

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛОШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Ф.Р.МИРЗАЕВ

“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ” КАФЕДРАСИ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

ФАНИДАН

**МАХСУС СИРТҚИ БАКАЛАВРИАТ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

ТОШКЕНТ- 2008 йил

Мирзаев Фурқат Рахматович/ «ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ»
ФАНИДАН МАХСУС СИРТҚИ БАКАЛАВРИАТ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ичида таълим соҳасини ҳозирги замон талабларига мослаб ўзгартириш алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда республикамизнинг ўрта махсус ўқув юртларида минглаб ўрта махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчилар меҳнат қилмоқдалар. Уларга «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари негизда олий маълумот олишлари учун қўшимча имкониятлар яратиш, ўқув жараёни сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб республикамизнинг бир қатор олий ўқув юртларида, жумладан Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳам ўрта махсус маълумотга эга ва мутахассислиги бўйича камида уч йиллик меҳнат стажга эга бўлган кадрларни бакалавриат даражасида ўқитиш учун махсус ишлаб чиқилган ўқув дастурлари бўйича сиртқи бўлимлар ташкил этилди.

Ушбу кўрсатмалар махсус сиртқи таълим бўйича бакалавр даражасини олиш учун ўқиётган талабаларга «Иқтисодиёт назарияси» фанидан оралиқ назорат ишларини бажариш учун тайёрланган. Ушбу услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Иқтисодиёт назарияси» фанидан тасдиқланган намунавий дастурга мувофиқ кафедрада ишлаб чиқилган ишчи дастур асосида тузилди.

Иқтисодиёт назариясидан тайёрланган ушбу услубий кўрсатма ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган талабаларга ҳар томонлама ёрдам бериш ҳамда фанни ўз вақтида ўзлаштириш имконини беради. Ундан иқтисодиёт назариясига қизиқувчи китобхонлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-услубий кенгаши қарорига (. . . даги __ сонли баённомасининг № _ кўчирмаси) мувофиқ нашр этилди.

Такризчилар:

ТАТУ «Иқтисод» кафедраси
доценти , и.ф.н

Иванова И.С

ТМИ«Иқтисодиёт назарияси»
кафедраси мудири , и.ф.д

Жўраев Т.Т

Тошкент ахборот технологиялари университети, 2008.

КИРИШ

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида республикада бозор муносабатларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар жамият ривожининг долзарб масалаларини муваффақиятли ҳал қилиш ва шу орқали халқимизнинг юқори турмуш шароитини таъминлаб беришга қаратилган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ичида таълим соҳасини ҳозирги замон талабларига мослаб ўзгартириш алоҳида ўрин тутади. Ҳамдўстлик давлатлари орасида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг биринчи бўлиб Ўзбекистонда қабул қилиниши ва ҳаётга тадбиқ этилишидан асосий мақсад бозор иқтисодиёти шароитида бозор қоидаларини, унинг сир-асрорларини чуқур ҳис эта оладиган; ўз билими, илмий салоҳияти, маънавий баркамоллиги билан ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан беллаша оладиган, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва вояга етказишдан иборат.

Ҳозирги замон бозор талабларига мос кадрлар тайёрлашда касб-хунар коллежлари ўқитувчиларининг ҳам билим даражаси, педагогик маҳорати катта аҳамият касб этади.

Бугунги кунда республикамизнинг ўрта махсус ўқув юртларида минглаб ўрта махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчилар меҳнат қилмоқдалар. Уларга «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари негизида олий маълумот олишлари учун қўшимча имкониятлар яратиш, ўқув жараёни сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб республикамизнинг 8 та олий ўқув юртида, жумладан Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳам ўрта махсус маълумотга эга ва камида уч йиллик педагогик стажга эга бўлган кадрларни бакалавриат даражасида ўқитиш учун махсус ишлаб чиқилган ўқув дастурлари бўйича сиртки бўлимлар ташкил этилди.

Махсус сиртки бўлимда ўқув жараёни ўзига хос ўқув режасига кўра олиб борилади. Махсус сиртки бўлим талабаси тасдиқланган ўқув режасидаги барча фанлар бўйича ўқув дастурларидаги билимни эгаллашга, малака ва кўникмаларни оширишга мажбур ва уларни бевосита амалий фаолиятга, мустақил иқтисодий фикрлашга йўналтирмоғи зарур.

Махсус сиртки бўлим мустақил билим олиш шакли сифатида амалда мавжуд бўлиб, у аудиторияларда ўқиладиган маъруза, ўтказиладиган тажриба ва лаборатория, семинар ва амалий машғулотлар асосида талабага ўз мустақил ишини сессия оралиғи ишини, асосий ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш услубларини, технологияларини самарали йўлга қўйишга қаратилади.

Махсус сиртки бўлимда маъруза ўқиш, амалий ва семинар машғулотларини ўтказишда муаммоли, интерактив, ижодий фаолиятни ривожлантириш, ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш, ҳамкорлик педагогикаси, табақалаштириш, индивидуаллаштириш каби илғор усул-метод ва технологиялардан фойдаланилади.

Махсус сиртки бўлим ўқув жараёнида талабанинг сессия оралиғи ишлари энг асосий компонентлардан бири ҳисобланади. Сессия оралиғи ишлари мазмуни, уни бажариш усул ва тартиблари ҳар бир фан бўйича тайёрланган жорий ишчи ўқув дастурида белгилаб берилади.

Сессия оралиғи ишлари умумий тарзда қуйидагилардан ташкил топиши мумкин.

- курс иши;
- савол ва топшириқлар;
- тест-синов саволлари
- машқлар, мисол ва масалалар ечиш;
- тажриба натижалари
- услубий ишланмалар. тавсияномалар;
- график ишлар ва бошқа вазифалар.

Сессия оралиғи вазифаларини бажаргандан сўнг талаба уни тегишли тарзда кафедрада қайддан ўтказди ва у мутахассислар томонидан текширилиб, рейтинг талаблари асосида баҳоланади. Талаба текширув натижаларига кўра уни химоя қилади ҳамда фан бўйича якуний баҳолашга кириш ҳуқуқини олади.

Махсус сиртки бўлимда ҳам талабалар билимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йилдаги буйруғи билан

тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назрат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом» асосида амалга оширилади, лекин махсус сиртки бўлим рейтинг тизимида фақат оралиқ ва якуний баҳолаш модуллари жорий этилади ҳамда оралиқ баҳолаш фанга ажратилган баллнинг 85 % ва якуний баҳолаш эса 15 % ини ташкил этади.

Юқорида махсус сиртки талабалаф учун қайд қилиб ўтилган умум талаблар асосида ҳар бир фан бўйича оралиқ баҳолаш ва оралиқ назоратларини бажариш учун фаннинг ўз хусусиятларига қараб тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади ва талабанинг оралиқ назорат ишларини бажариши даржасига қараб ҳолисона баҳолаш мумкин бўлади.

Шуни ҳисобга олиб «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси ҳам «Иқтисодиёт назарияси» фанидан махсус сиртки талабалар бажариши зарур бўлган оралиқ вазифалар туркумини ва шу асосида улар билимини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқди.

«Иқтисодиёт назарияси» фанидан сессия оралиғи вазифалари фан хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги мустақил иш турларидан иборат:

- 1) дарсларда, айниқса семинар машғулотларида ўз фикрини баён этиш ва химоя қилиш;
 - 2) фаннинг у ёки бу мавзуси бўйича ёзилган ёзма назорат иши натижаси,
 - 3) республикамызда утказилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқи асосларини белгилловчи Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қабул қилган бирон-бир қонун мазмунини ёритиш;
 - 4) ўтказилган коллоквиум натижалари;
 - 5) тестлар тузиш;
 - 6) кластер тузиш;
 - 7) фан бўйича ёзилган конспектнинг аҳволи;
 - 8) иқтисодиётга доир мисол ва масалалар ечиш;
 - 9) жавобсиз қолган қаторларни тўғри жавоб билан тўлдириш;
 - 10) ижодий иш бажариш (статистик маълумотлар тўплаш, интернетдан иқтисодиётга оид материаллар олиш, реферат ёзиш ва ҳ.з.)
- ҚОЛГАН ҚИСМИ**

- 1) республикамызда, талабанинг ўз вилояти, тумани, қишлоғи, жамоаси ва оиласида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар тўғрисидаги фикрнинг баён этилиши.

Оралиқ баҳолаш вазифаларини бажариш учун кафедрада вариантлар тузилган бўлиб, талабалар шу вариантларни ихтиёрий равишда танлаб оладилар. Бунинг учун талаба унинг эътиборига ҳавола этилган вариантлар орасидан шифрга қараб, ўз оралиқ ишини танлайди, яъни у ўз рейтинг дафтарчаси охириги 3 рақами йиғиндиси бўйича вариант танлайди.

Масалан, рейтинг дафтарчаси номери 391 бўлса, у ҳолда талаба оралиқ баҳолаш иши вариантлари рўйхатидаги 13-варианти ёки рейтинг дафтарчасининг номери 405 бўлса, у ҳолда рўйхатдаги 9-варианти ўз оралиқ иши учун танлаб олади.

Талабанинг танлаб олган вариант бўйича ёзадиган иши шу вариантда очиб берилиши талаб этиладиган маълум бир мавзунини ёритишдан бошланади. Мавзу танлашда ҳар томонлама мулоҳаза юритиш лозим.

Мавзу бўйича ёзиладиган ишнинг режаси танланган мавзуга оид энг муҳим 3-4 масаладан иборат бўлиши керак ва режадаги ҳар бир масаланинг мазмуни бир-бирига боғлиқ равишда тузилган бўлиши шарт. Мавзуга доир ишнинг ҳажми ўқувчилар дафтарининг 12-14 варағидан кам бўлмаслиги керак. Иш аниқ, тушунарли тилда талабанинг ўз дастхати билан ёзилиши шарт. (Ишда сўзларни қисқартириб ёзиш, уни бошқа шахсларга ёздириш, ёзув машинкаси ёки компьютерда ёзиш кабилар ман этилади).

Мавзунини ифодаловчи иш асосий манбалардан конспект тарзда бўлмаслиги керак. Асосий манбалардан ўринли равишда фойдаланиб иш тутилиши, яъни талаба ўз фикрининг исботи сифатида уларни қўллаши талаб этилади. Шу маънода ёзма ишда бир неча манбалардан кўчирмалар (цитата) келтириши мумкин.

Танланган мавзу ёритилиб бўлингач, ишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати тўғри тартибда баён этилади, яъни аввало ишлатилса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган мавзуга оид қонун ва бошқа ҳужжатлар, Президент асарлари, сўнгра эса бошқа адабиётлар алифбо тартибида келтирилади.

Оралиқ баҳолаш ишининг қандайдир иқтисодий воқеликни ифода этувчи мавзуси ёритиб бўлингач, ушбу вариантда берилган 10 та тестни **ечиш**га ўтилади. Бу тестлар бир томондан, талабанинг билимини аниқроқ баҳолашга имкон берса, иккинчи томондан уни ЯН га тайрлашга замин яратади. Бу ишни тўғри бажариш учун талаба тест саволлари ва унинг **жавоб**ларини қозғашга туширади. Шундан сўнг, ушбу **жавоб**лардан қайси бирини талаба тўғри, деб ҳисобласа, тестлардан сўнг жадвалда акс эттиради. Ушбу жадвал нусхаси О-вариантда берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, белгиланган **жавоб** фақат бита бўлиши шарт. Агар бир тестнинг икки **жавоб**и кўрсатилса, у ^{хат} ишланган бўлади.

Кластер тузишнинг оралиқ баҳолаш ишида ўз муҳим ўрни мавжуд Кластер тузар экан, талаба ўрганилаётган воқеликни чуқур таҳлил этишга мажбур бўлади.

Мамлакатимиз ҳуқуқий жамият куриш йўлидан бормокда. Бу эса талаба ёшларимизнинг ҳуқуқий, жумладан иқтисодий ҳуқуқ соҳасидаги билимларига талабни оширади. Шуни назарда тутиб, оралиқ баҳолаш ишлари мавзусида энг асосий қонунларни ўрганиш билан боғлиқ топшириқлар ҳам берилган. Ўз ишини ёзар экан, талаба ўзига тушган қонуннинг қисқача мазмунини баён этади. Масалан, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида» деган қонунни ёритишда қонуннинг аҳамияти, қонун асосида мулкчиликнинг мазмуни, мулк объектлари ва субъектлари, мулк шакллари ёритиб берилади.

Талабанинг олган сабоқларини ҳаёт билан таққослашда, назарий билимларни амалий фаолиятга боғлашда масалалар **ечиш** катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳар бир вариантда енгилгина ечишлиши мумкин бўлган масалалар талабалар эътиборига ҳавола этиляпти.

Шунингдек, вариантларда талабалар билимини синашга қаратилган турли хил топшириқлар ҳам берилаяптики, улар ҳам назорат ишининг кўп қиррали ва сермазмун чиқишига ёрдам беради.

Талабанинг ўз фикрини чуқурроқ ўрганиш, уни иқтисодий фикрлашга мажбур этиш мақсадида мамлакатимиз тараққиётига боғлиқ алоҳида **топшириқ** ҳам берилмокдаки, у оралиқ баҳолаш ишини муваффақиятли равишда охирига етказишга имкон беради.

Бажарилган ишга қўйиладиган талаблардан яна бири бажарилган ишни ўз вақтида кафедрага топширишдир. Бунинг учун талаба маълум қоидаларга риоя этиб иш қилиши лозим. Топшириладиган дафтар муқовасида олий ўқув юртининг номи, факультет номи, бўлим тури, курси, гуруҳи, ихтисослиги ва талабанинг исми-шарифи ҳамда рейтинг дафтарчасининг раҳами тўлиқ ёзилиши керак. Дафтар муқовасига бошқа маълумотлар ёзилмайди, чунки бу оралиқ баҳолаш кафедрага топширилганда шифрланади ва бу муқова ўзига хос «титул варағи» вазифасини ўтайди.

Дафтарнинг ички биринчи бетида танланган вариант раҳами ва мавзу номи тўлиқ ёзилади. Сўнгра ушбу вариант бўйича талабанинг ўзи тузган ёзма иши режаси берилади.

Кафедрага топширилган оралиқ назорат ишлари 10 кун ичида текширилиб, тақриз берилади.

Ҳурматли талабалар! Юқорида келтирилган қоида ва талабларга риоя қилиш ёзган ишингизни самарали бажарилишига таъсир этишини эътиборан қочирмайсиз, деган фикрдамыз.

Талабаларга кўргазмали ҳолат юзага келтириш мақсадида шартли равишдаги бир оралиқ баҳолаш ишининг намунаси қуйида келтирилмокда.

ВАРИАНТ № 0.

I. Мавзу: «БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ БЕЛГИЛАРИ».

Режа:

1. Бозор иқтисодиётининг моҳияти.
2. Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари.
3. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти белгиларининг намоён бўлиши. (Сўнг саволлар 10-12 вароқ ҳажмида ёритиб берилади.) Адабиётлар рўйхати кўрсатилади.

II. Тест.

1. Иқтисодиётнинг бош масаласи нима?

- а) ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- б) чекланган ресурслардан унумли фойдаланиш ҳисобига ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондиришнинг муқобил йўллари топиш;
- в) истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- г) қишлоқ хўжалигини ривожлантириш;
- д) хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш.

2. Мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш қайси бир жавобда тўғри берилган?

- а) мулкка эғалик қилиш;
- б) мулкдан фойдаланиш;
- в) мулкни тасарруф этиш;
- г) мулкни ижарага олиш;
- д) барча **жавоб**лар ҳам тўғри.

3. Бозор иқтисодиётини тартибга солиш механизми қандай амалга оширилади?

- а) нарх-навони белгилаш орқали;
- б) солиқ сиёсати орқали;
- в) пул-кредит сиёсати орқали;
- г) давлатнинг маъмурий тадбирлари орқали;
- Д) бозор қонунлари орқали.

4. Қуйидаги омиллардан қайси бири алоҳида товарлар таклифига ўз таъсирини кўрсатмайди?

- а) нархлар;
- б) ишлаб чиқариш харажатлари даражаси;
- в) Ресурслар унумдорлиги;
- г) истеъмолчилар сони;
- Д) ҳамма **жавоб** тўғри

5. Муомала харажатларига қайси бир харажатлар мансуб?

- а) ишлаб чиқаришни самарали юритиш билан боғлиқ харажатлар;
- б) ишлаб чиқарилган товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар;
- в) молиявий иш юритиш харажатлари;
- г) даволаш харажатлари;
- д) энг охирги вақтда қилинган сарфлар.

6. Нарх тушунчаси ишлаб чиқариш муносабатларининг қайси фазасига тааллуқли?

- а) ишлаб чиқаришга;
- б) айира бошлашга;
- в) тақсимотга;
- г) истеъмолга;

д) нарх ҳар бир фазага тегишли.

7. Реал маҳсулот ифода этилган жавоб ни аниқланг.

- а) жорий бозор нархларида ҳисобланган миллий маҳсулот;
- б) ўзгармас нархларда ҳисобланган миллий маҳсулот;
- в) моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган маҳсулот;
- г) солиқлар чегириб ташланган миллий маҳсулот;
- д) тўғри **жавоб** берилмаган.

8. Пул тизими таркибига қуйидагилардан қайси бири кирмайди?

- а) миллий пул бирлиги;
- б) қоғоз, металл ва кредит пуллар;
- в) давлат бюджети;
- г) пул эмиссияси тизими;
- д) пул муомаласини йўлга қўувчи муассасалар.

9. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий усулларига қайси бири хос эмас?

- а) қонун чиқариш;
- б) солиқ солиш;
- в) кредитга таъсир этиш;
- г) айрим фаолият турларини чеклаш;
- д) молиявий санацияларни қўллаш.

10. Жаҳон ҳўжалиги юзага келишининг негизларига қайси бири хос эмас?


- а) ишлаб чиқарувчи кучларнинг асрлар давомидаги ривожланиши;
- б) турмуш даражасининг юқори бўлиши;
- в) миллий даражаларда меҳнат тақсимотининг узлуксиз чуқурлашиб бориши
- г) ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви;
- д) турли мамлакатлар ўртасидаги кўп томонли алоқаларнинг кучайиши.

ЖАВОБЛАР КАЛИТИ

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Б	В	Д	Д	Б	Б	Б	В	Г	Б

II . Кластер тузинг .

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МИЛЛИЙ МУЛКИ



III. «Банкротлик тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуниинг қисқача мазмунини баён этинг.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатчиликнинг кучайиши айрим корхоналарнинг фойда олишга эришиш учун қиладиган хатти-ҳаракатларининг самарасиз амалга ошишга ҳамда бунинг орқасида банкротлик ҳолатининг келиб чиқишига олиб келиши мумкин. Бу жараён билан боғлиқ жиҳатлар Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида» ги қонунида ўз ифодасини топган. Мазкур қонун кредиторларнинг эътирозларини қондириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларни банкрот, деб тан олиш шартлари ва тартибини белгилайди. У мазкур жараён барча қатнашчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Бирор бир корхонанинг банкротлиги дейилганда, қарздорнинг мажбуриятлари унинг мулкидан ошиб кетиши, унинг кредиторнинг таварлар ҳақини тўлашга доир талабларини қондиришга, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни тўлашга лаёқатсизлиги тушунилади.

Банкротлик тўғрисидаги жараён ё қарздор томонидан ёки кредитор томонидан тўлов муддатлардан уч ой ўтиб кетганидан сўнг ариза бериш билан йўлга қўйилади. Бунда бир қатор тегишли ҳужжатлар тақдим этилади.

Банкротлик иши хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади банкрот деб ушбу судлар эътироф этишлари мумкин. Банкротликқа мулкчилик шаклидан катъий назар ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект дахлдор бўлиши мумкин. Бундан фақат давлат маблағлари ҳисобида фаолият юритувчи корхоналар мустаснодирлар.

Лозим шароитларда хўжалик судлари санация тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Умумий қоидага кўра, санация муддати 18 ойдан ошмаслиги керак. Айрим ҳолларда яна 6 ойгача чўзилиши мумкин.

Шундай қилиб, «Банкротлик тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни фаолият юритувчи тадбиркорликнинг банкротлик билан боғлиқ жараёнларини ҳар томонлама изохлаб беради.

IV. Масалани ечинг.

Истеъмолга ўртача мойиллик (ИЎМ) 0,83 ҳамда жамғарма 300 минг сўм бўлса, даромад қанча бўлади?

Ечиш:

Агар истеъмолга ўртача мойиллик 0,83 бўлса, маълумки жамғармага ўртача мойиллик 0,17 бўлади. Бу ҳолда истеъмолни (X) сўмда қуйидагича топиш мумкин

0,17—300 минг сўм

0,83—X

$$X = \frac{0,83}{0,17} \times 300 \text{ минг} = \frac{83}{17} \times 300 = 1464,7 \text{ минг}$$

Демак даромад миқдори = истеъмол суммаси + жамғарма = 1464,7 минг + 300 минг = 1764,7 минг сўм.

V. Иқтисодий цикл фазаларини тўлдилинг:

1) инкироз; 2)....., 3).....,4).....,

Жавоб : 1) инкироз, 2) турғунлик, 3) жонланиш, 4) юксалиш.

VII. Нақд бўлмаган пул тагига чизинг:

Қоғоз пул, танга пул, чет эл валютаси, жорий др.птитдаги пул.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни амалга ошириш

(масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва хоказо)

Масалани ечинг:

Агар давлат бюджети даромадлари 800 млрд. сўмни ва харажатлар 830 млрд. сўмни ташкил этаётган бўлса, давлат бюджети тақчилл» қандай? ЯИМ 2100 млрд. сўм. Бу меъёрий ҳолми?

IX Кейинги вақтларда қайси соҳаларда сезиларли ислохотлар юз " берганини баён этинг.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳозирги кунда ислохотлар II босқичини бошидан ўтказмоқда. Мустақилликнинг ўтган 16 йили давомида хўжалигимизнинг барча соҳаларида анчагина ўзгаришлар рўй берди.

Мамлакатимиз борган сари бозор иқтисодиётига чуқурроқ кириб бормоқда. III|у билан бирга, таъкидлаш лозимки, айрим соҳаларда ислохотлар бошқасоҳаларга нисбатан кўпроқ ва сезиларлироқ юз бермоқда. Фикримиз исботи учун айрим мисолларни келтириш мумкин.

Кейинги вақтларда энг сезиларли ўзгаришлар мулкрий муносабатлар соҳасида юз бергани аниқ. Собиқ шўролар давридаги яққа мулкчилик амалда барҳам топиб бўлди. Бозор иқтисодиётининг асоси бўлган турли мулкчилик қарор топди. Ялпи ички маҳсулотнинг деярли 76 фоизи, саноат маҳсулотларининг 78 фоизидан ортиғи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг деярли барчаси ҳозир нодавлат секторида яратилмоқда.

Аграр соҳада катта ўзгаришлар содир бўлди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимиға хос хўжалик юритувчи субъектлар ўрниға бозор иқтисодиётида самарали фаолият юритувчи субъектлар шаклланмоқда. Фақатгина 2006 йилнинг ўзидаёқ 657 та ширкат хўжалиғи фермер хўжалиқларига айлантирилди.

Мамлакатимизда катта таркибий ўзгаришлар амалға оширилмоқда. Натижада ғалла ва энергетика мустақиллиғига эришилди. Халқ хўжалигининг ўзак тармоқлари тез ривожланмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ўсмоқда. Натижада мамлакатимиз борган сари хомашё экспорт қилувчи мамлакатдан тайёр маҳсулот чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи давлатға айланиб бормоқда.

Таълим соҳасида катта ўзгаришлар рўй бергани ҳаммага маълум. Бакалавр ва магистрлик асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш замон талабига айланиб қолди.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланиш соҳасида маълум камчиликлар мавжуд бўлса ҳам, мамлакатимиз олдига қўйилган мақсад — озод ва обод Ватан сари жадал суръатлар билан бормоқда.

«Иқтисодиёт назарияси» фанидан махсус сиртқи бўлим талабалари билимини назорат қилиш ва баҳолаш

Мазкур рейтинг тизими Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисидаги» қонун ва «Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи ва ТАТУ нинг талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинги тизими тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлари асосида тавсия этилмоқда.

Мазкур рейтинг тизимида қуйидаги асосий вазифаларни **ҳал** этишда ёрдам бериш назарда тутилган:

- талабанинг ўқув машғулотларига бир меъёрда ва фаол равишда қатнашишини таъминлаш;
- ўқув машғулотлари мобайнида талабалар билимини, маҳорат кўникмаларини тасаввур ва тушуниш қобилиятларини объектив баҳолаш;
- талаба билимининг сифат кўрсаткичларини ҳаққоний, аниқ ва адолатли баҳолаш;
- талабаларда билим олишға интилиш даражасини ва профессор ўқитувчиларда эса ўқитиш масъулиятини ошириш;
- давлат таълим стандарти ўқув режалари асосида фанларнинг ўқув дастурларини ва ўқув машғулотларига оид турли услубий қўлланмаларни такомиллаштириш ҳамда бошқа услубий ишларнинг ўтказилишини олдиндан режалаштириш;
- талабаларнинг компьютер саводхонлигидан фойдаланиб тест синовларидан кенг фойдаланиш;

-талабаларни ижодий фикрлашга йўналтириш ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режасида «Иқтисодиёт назарияси» фанига кундузги бўлим учун 102 соат белгиланган. Махсус сиртки бўлимда эса фан учун 16 соат ажратилган. Лекин рейтинг тизими асосида баҳолаш барча учун умумий тарзда ҳисобланади ва 100% дан келиб чиқилади.

Шунга кўра, фаннинг мах (юқори) балли ёки фоизи-100 - (саралаш) балли ёки фоизи - 55.

Сиртки талаба нинг билими куйидаги белгиланади:

Оралик баҳолаш (ОБ) 85 фоиз хамда;

Якуний баҳолаш (ЯБ) 15 фоизни ташкил этади.

Сиртки бўлим талабалари билимини баҳолашнинг ўзига хос хусусияти шундаки улар билимини рейтинг асосида аниқлашда ишни бажариш даражасига қараб баҳоланади.

БАҲОЛАШ ХИЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ.

Махсус сиртки бўлим талабалари учун ОБ топшириқлари талаба ўқув йилининг IV семестри бошида ўқув машғулотларига чақирилган вақтда «Иқтисодиёт назарияси» фани бўйича энг муҳим асосий мавзулар ўтилгандан сўнг берилади. Бунда мавзулар бўйича амалий машғулотлар режалари ва уларга оид адабиётлар рўйхати талабаларнинг кейинги келишлари (V семестр)гача дарсларга яхши тайёрланишлари, тавсия этилган адабиётларни чуқур ўрганишлари учун талабалар эътибор ҳавола этилади. Назорат иши талабанинг бажариши лозим бўлган мустақил ишларнинг мажмуаси бўлиб, маъруза ва амалий машғулот дарсларида у ўтиб улгурилмаган айрим мавзулар, масала ва турли топшириқлардан иборат бўлиб, уй вазифаси тариқасида бажарилади. Оралик баҳолаш талабанинг давомати, семинар машғулотларидаги фаоллиги, конспектларнинг аҳволи ва коллоквиум натижаларини, хамда танлаган мавзуни алоҳида ёритиб бериш, тестлар ва масалани ечиш бошқа бир қатор ижодий ишларни бажаришни назарда тутати.

Маълумки, фан якуний баҳолаш билан якунланади. Якуний назоратга кирган талабалар учун назоратлар оғзаки ёки ёзма тарзда ёхуд университетда руҳсат этилган бошқа шаклда ўтказилиши мумкин. Агар ЯБ оғзаки ёки ёзма тарзда амалга оширилса, камида 25-30 билет тузилади ва бир билетда 3 та савол қўйилади (саволлардан бири асосий манбаларга доир бўлиши мақсадга мавофиқдир). Бу ҳолда ҳар бир тўғри **жавобга** 5 балл берилади. Тўлиқ бўлмаган **жавоблар** 1, 2, 2,5, 3, 3,5, 4 балл берилиши мумкин.

Тест усулида ҳам якуний назоратлар ўтказиш маъқулдир. Чунки тест усули талабалар фикрлаш қобилиятини оширади, вақт **тежалади** ва талабанинг берган **жавоби** ҳолисона аниқ баҳоланади. Тест усули қўлланилганда, тест саволлари 20 тадан иборат бўлса, талаба улардан 11 тасига тўғри **жавоб** берса, яъни ЯБ бўйича 8,3 балл тўпласа, ўтган ҳисобланади. Агар саволлар миқдори 30 та бўлса, талаба 17 та тўғри **жавоб** бериши ва саволлар миқдори 40 та бўлса, у 22 та тўғри **жавоб** бериши талаб этилади. Шу ҳолдагина талабанинг ҳар уч назорат бўйича тўплаган натижалари жамланади.

Оралик назоратда талабалар рейтингини чиқаришда ҳисобга олинадиган томонлар ва улар ўлуши (ЯБ сиз)

№	Уқув тадбирлари	Оралик баҳолаш (фоизларда)	
		тах	тг
1.	Давомат	4	2,2
2.	Дарслардаги фаоллик	7	3,8
3.	Конспектнинг	4	2,2

	ахволи		
4.	Коллоквиум	10	5,5
5.	Назорат ишида мавзуни ёритиш	45	8,3
6.	Тестларни ечиш	10	5,5
7.	Кластер_тузиш	5	2,7
8.	Қонунни билиш	6	3,3
9.	Масала ечиш	6	3,3
10.	Жавоблар қаторини тўлдириш	3	1,8
11.	Тўғри жавобни топиш	3	1,8
12.	Ижодий иш бажариш	6	3,3
	Ўз фикрини баён этиш	6	3,3
	Жами:	85	47

Демак ,оралиқ назорат :Мах балл -85;

Мт балл — 47;

Эслатма: Талаба ана шу 47 баллни тўпласагина ЯБ га қўйилади.

Рейтинг асослари бўйича шарх

1. Давомат.

Талабаларнинг дарсга қатнашишлари қуйидагича баҳоланади талаба дарсларнинг 55-70 % ида қатнашган бўлса 2 балл олади-71 - 85 % ида қатнашган бўлса 3 балл олади; 86-100 % ида қатнашганлар 4 балл олади.

2. Дарслардаги фаоллик.

Бу йўналиш бўйича талабанинг натижалари қуйидагича белгиланади-

а) агар талаба семинар машғулотларида фаол қатнашса ва яхши конспектга эга бўлса 7,0 балл олиши мумкин.

б) агар талаба семинарларда яхши қатнашса-ю, конспекти бўлмаса 4 балл

в) агар талаба машғулотларнинг айримларида яхши иштирок этса 3 балл'

г) дарслар мавзуси бўйича умумий тушунчаларга эга бўлса унда 2 балл берилади.

д) дарсларга тайёргарлик кўрмаслик, қониқарсиз билимни намоёйиш этган талаба 0 балл билан жазоланади.

3. Конспектнинг ахволи.

- яхши, тўлиқ ёзилган конспект 4 балл билан тақдирланади;

- конспект қисқа, лекин у мазмунли бўлса 3 балл бериш мумкин;

- конспект қониқарсиз ёзилган бўлса, у 2 балл билан баҳоланади ва конспектсиз талабалар натижаси «0» балл бўлади.

4. Коллоквиум.

Коллоквиумда одатда, 5 та савол берилади ва ҳар бир савол қадри 2 баллга тенг бўлади, яъни 5 та саволга **жавоб** бера олган талаба 10 балл, 4 тасига **жавоб** берган 8 балл тартибда баҳоланади.

5. Назорат ишида мавзуни ёритиш.

- Агар талаба ўз танлаган назорат ишини юқоридаги кириш қисмида ифода этилган талабларга мос равишда бажариб, мавзуни тўғри тарзда, ўз сўзлари билан аниқ ёритса 15 балл тўплайди.

- асосий жихатларгина яхши очилган назорат ишларига 11 балл берилади;

- назорат ишида фақат энг зарур масалаларни тилга олиш учун 8 балл берилиши мумкин;

- Асосий талабларга **жавоб** бермайдиган ишлар ўз савиясига қараб 1-7 балл оралиғида баҳоланадики, бундай натижада кўрсатганлар, умуман олганда, ОБ дан ўтишлари мушкул.

6. Тестлар.

Тўғри ечишланган ҳар бир тест 1 балл тўплаш имконини беради. Масала , талаба 10 та тестнинг 6 тасини тўғри топса, у 6 балл олади. Тестга **жавоб** вариантда берилган нуска асосида белгиланади.

7. Кластер тузиш.

- назарий жихатдан тўғри тузилган ва яхши чизилган кластерга берилади;
- мазмуни бўйича тўғри бажарилган кластер 4 балл билан баҳоланиши мумкин;
- юзаки бажарилган кластер 2 балл билан баҳоланади.

8. Қонунни билиш.

Қонунни билиш муҳим ўқув тадбири ҳисобланади. Шунинг учун уни ўрганишни қуйидагича баҳолаш мумкин:

- агар талаба топширилган қонуннинг мазмунини тўғри ва тўлиқ ёритиб берса (2-3 бет ҳажмида) 6 балл тўплайди;
- қонуннинг асосий мазмуни бўйича етарли тушунчаларга эга бўлиш 4 балл бериши мумкин;
- қонунни юзаки тушуниш 2 балл билан баҳоланади.
- **назорат** ишида қонун бўйича **топшириқ** бажарилмаса «0» балл берилади.

9. Масала ечиш.

Талабанинг иқтисодий фикр юритишида ўрганилаётган воқеаларни ҳаётий ҳолатлар билан боғлашда масаланинг ўрни катта. Масала **ечиш** мавзунини чуқурроқ англашга мажбур этади. Шунинг хисобига олиб, масала **ечиш**ни қуйидаги баллар билан ифодалаш мумкин:

- агар масала тўғри фикрлаш, тўғри ҳисоб-китоблар билан ҳал этилса 6 балл берилади.
- турли адабиётлар билан охири тўғри натижага эришилса 4 балл;
- тўғри бошлаган, лекин охирига етказилмаган ечишлар 2 балл ва масала ечилмай қолса «0» балл билан баҳоланади.

10. Жавоблар қаторини тўлдиринг.

Белгиланган миқдордаги тўғри **жавоб**ларни ёзиш 3 балл беради;

- **Жавоб**лар чала бўлса, у ҳолда, 2 балл берилади;
- бу топшириқ бажарилмай қолса балл берилмайди.

4. Тўғри жавобни топиш.

Агар тўғри **жавоб** тагига чизилган бўлса 3 балл;

Икки **жавоб** тагига чизилиб, кейин тўғри **жавоб** қолдирилиб, бошқаси ўчирилган бўлса 2 балл;

Агар фақат бир **жавоб** тўғри топилса, талаба бир балл олади. **Жавоб**лар: мутлақо ҳал этилмаса унга «0» балл қўйилади.

5. Ижодий иш бажариш.

Ижодий иш масалалар, кроссворд тузиш, мавзуга тааллуқли янги раҳамли фактик материаллар йиғиш, ҳамда кичик рефератлар ёзиш тарзида амалга ошириши мумкин. Агар бу **топшириқ**лардан бирортаси (ўз хоҳишига кўра) яхши бажарилса 6 балл, агар оригинал фикр билан амалга оширилсаю, тўлиқ бажарилмай қолса 4 балл ва юзаки қилинган иш бўлса 2 балл берилади.

6. Ўз фикрини баён этиш.

Талаба томонидан бажариладиган бу ўқув тадбири ҳажми кам бўлгани ҳолда (2 бет атрофида) аҳамияти жуда катта. Бу **топшириқ**ни бажарар экан, талаба энди илмий фикрлашга, иқтисодий ҳодисаларни чуқурроқ иқтисодий тадқиқ этишга интилиши талаб этилади.

Агар талаба мавзуси йўналишдаги тенденцияларни очиб бера мавжуд муаммоларни баён этса ва улар ечими устида фикр билдирса 6 балл билан тақдирланади.

Агар талаба мавжуд муаммоларни тўғри тушунса ва кўрсатиб бера олса 4 балл олиши мумкин.

Ўз фикрларини умумий тарзда ифода этиш 2 балл олишга имкон беради.

Якуний баҳолаш.

Агар якуний назорат тест ҳолида амалга ошириб, унда 30 та савол қўйилаётган бўлса, у ҳолда ҳар бир тўғри ечим 0,5 баллга тенг бўлади. Масалан, агар талаба 24 та тестни тўғри еча олса, у 12 балл олади ($24 \times 0,5\% = 12\%$).

Талабанинг рейтинг якунлари.

Талабанинг ўқув тадбирлари давомида тўплаган рейтинг унинг оралиқ баҳолаш ва якуний баҳолашда тўплаган барча натижаларини жамлаш йўли билан аниқланади.

Талаба оралиқ назорат бўйича олиш мумкин бўлган 85 балл ўтиш меъёрини, яъни 47 баллини тўпласагина якуний назоратга қўйилади.

Якуний назоратда ҳам талаба 15 фоизнинг 8,3% ини, яъни ўтишга ижозат берувчи қисмини ололса, якуний назоратдан ўтган ҳисобланади. Акс ҳолда якуний назорат қайта топширилади.

Талабалар ўқув даври давомида тўплаган рейтингларига кўра қуйидаги баҳоларга эга бўладилар: 55-70 % - ўрта (3) 71-85 % - яхши (4) 86-100 %-аъло (5)

Янада тушунарли бўлиши учун мисол келтириш мумкин. Талаба ОБ дан 75 балл тўплаган бўлиб, ЯБ дан 11 балл тўпласагина у 86 балл ва «аъло» баҳога лойиқ бўлади ёки талаба ОБ натижаларига кўра 63 балл тўплаган ва ЯН да 9 балл олган бўлса, умумий якун $63+9=72$ балл бўлади ва бу талабага «яхши» баҳо олиш имконини беради.

Оралиқ баҳолаш натижаларига кўра талаба рейтинг баллининг энг камида 47 баллини тўплаган бўлиб ЯБ кириб, ЯБ 8 балл олса у жами 5: балл тўплаган ва ЯБ дан ўтган ҳисобланади. Шу асосда ҳисобланган талаба билими рейтинг дафтарчаси ҳамда деканат қайдномасида ўз аксини топади ва ўқитувчи имзоси билан тасдиқланади.

«ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН МАХСУС СИРТҚИ ТАЛАБАЛАР УЧУН ОРАЛИҚ НАЗОРАТ ИШИ ТОПШИРИҚЛАРИ.

1. ВАРИАНТ.

I. «ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ.

II. ТЕСТ.

1. «Иқтисодиёт назарияси» иқтисодий жараёнларни қандай кетма-кетликда ўрганади?

- а) истеъмол, айирбошлаш, тақсимот, ишлаб чиқариш;
- б) ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол;
- в) ишлаб чиқариш, айирбошлаш, истеъмол, тақсимот;
- г) тақсимот, ишлаб чиқариш, истеъмол, айирбошлаш;
- д) айирбошлаш, ишлаб чиқариш, истеъмол, тақсимот.

2. Мулк объекти тўғри ифодаланган қаторни кўрсатинг?

- а) бино ва иншоотлар;
- б) ер, сув, конлар;
- в) пул маблағлари;
- г) қимматбаҳо қоғозлар;
- д) мулкка айланган барча бойликлар.

3. Бозор иқтисодиётининг маъмурий буйруқбозликқа асосланган иқтисодиётдан туб фарқи нимада?

- а) ишлаб чиқаришнинг режали олиб борилишида;
- б) эркин тадбиркорликқа кенг йўл очиб берилишида;
- в) товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг юқоридан тартибга солинишида;
- г) хўжалик фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий негизлар мавжудлигида;
- д) йирик (монополь) корхоналарнинг йўқлигида.

4. Даромадлар ўсиши билан талабда қандай ўзгариш содир бўлади?

- а) талаб ҳажми мунтазам ошиб боради;
- б) талаб ҳажми ўзгаришсиз қолади;
- в) турли субъектлар талаби қисқаради;
- г) талаб ва таклиф ҳажми тенглашади;

д) даромадлар ва талаб ўртасида боғлиқлик йўқ.

5. Корхонанинг фойда олганлиги ёки зарар кўрганлиги қандай аниқланади?

- а) махсулот сотишдан олинган ялпи пул тушумлари ялпи харажатлар билан таққосланади;
- б) махсулот бирлигининг нархи унга қилинган харажатлар билан таққосланади;
- в) корхонанинг ташқи харажатлари ялпи пул тушумлари билан таққосланади;
- г) а) ва б) **жавоблар** тўғри;
- д) б) ва в) **жавоблар** тўғри.

6. Созанда ижро этган мусиқани, шифокорнинг кўрсатган хизматини тақдирланганда нархнинг қайси бир вазифаси қўлланилади?

- а) бозор мувозанатини таъминлаш функцияси;
- б) ҳисоб-китоб, ўлчов функцияси;
- в) иқтисодий регулятор функцияси;
- г) рақобат воситаси;
- д) ижтимоий химоя вазифаси.

7. Давлат рўйхатидан ўтмаган ишлаб чиқариш қандай Иқтисодиёт деб аталади?

- а) солиқ тўламайдиган иқтисодиёт;
- б) хусусий фаолият юритувчи иқтисодиёт;
- в) хуфёна, яъни яширин иқтисодиёт;
- г) ҳисоб-китоблар тўғри юритилмайдиган иқтисодиёт;
- д) кичик бизнес иқтисодиёти.

8. Пул муомаласининг мазмуни тўғри берилган жавобни топинг?

- а) муомалага янгидан кирган пуллар миқдори;
- б) муайян вақт ичида муомала учун зарур бўлган маблағлар;
- в) товарлар айланишига ва товар бўлмаган турли тўловларга хизмат этувчи пул агрегатлари ҳаракати;
- г) бир ҳисоб варақдан бошқасига пулнинг ўтказилиши;
- д) ҳар бир **жавоб** ҳам пул муомаласини тўғри акс эттиради.

9. Бозор иқтисодиёти шароитларида иқтисодиётни тартиблаш қайси тизим орқали амалга ошади?

- а) ҳуқуқий меъёрлар тизими орқали;
- б) самарали солиқ солиш тизими орқали;
- в) маркетинг тизими орқали;
- г) талаб ва таклиф механизми орқали;
- д) давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви орқали.

10. Қайси бир жавоб янги халқаро иқтисодий тартибни ифода этади?

- а) жаҳон миқёсида ихтисослашув жараёнининг кучайиши;
- б) тенгликка асосланган, ўзаро манфаатли ва адолат қоидаларига хос бўлган турли мамлакатлар алоқаси;
- в) махсулот ва хизматларни яратишда кооперация алоқаларининг юқори даражага чиқиши;
- г) ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон хўжалигидаги ўрнининг кучайиши;
- д) турли иқтисодий тўсиқларни бартараф этиш билан боғлиқ фаолият.

Т А Л А Б

III. Кластер тузинг.

IV. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иқтисодиётга тааллуқли жиҳатлари ҳақида қисқача фикрингизни билдиринг.

V. Масалани ечинг:

Ишчи кучи миқдори 9 млн. киши ва ишсизлик даражаси 7 % бўлса, қанча одам ишсиз бўлади?

VI. Аҳоли оладиган даромадлар таркибига хос қаторни 7 гача тўлдилинг:

1) иш ҳақи, 2) фойда, 3).....

VII. Молия муносабатларининг объекти бўлган тушунча тагига чизинг. Давлат бюджети, солиқ, пул, нарх, корхона.

Йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни амалга ошириш (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳоказо)

IX. Иқтисодий эҳтисот ривожлантиришдаги ютуқлар, муаммолар ҳақидаги фикрингизни баён этинг.

Вариант №2

I. Мавзу: ИҚТИСОДИЁТ ҚОНУНЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯЛАР (ТУШУНЧАЛАР)

II. ТЕСТ.

1. Иқтисодий назариянинг қайси оқимида савдо-сотиқ ва асосан ташқи савдо барча бойликларнинг манбаи деб ҳисобланади?

- а) меркантилизм;
- б) физиократлар;
- в) классик буржуа иқтисодий мактаби;
- г) маржинализм;
- д) янги тарихий мактаб.

2. Жамият эҳтиёжининг миқдоран ўсиб ва таркибан янгиланиб боришига нима таъсир кўрсатади?

- а) аҳоли сонининг ўсиши;
- б) фан-техника тараққиети;
- в) реклама ва алоқа коммуникацияларининг ривожланиши;
- г) миллий ва халқаро бозорларнинг ривожланиши;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

3. Мулк субъектлари булар:

- а) қатта пул маблағлари;
- б) кўчмас мулкни баҳоловчилар;
- в) мулк объектлари ўзлаштиришда қатнашувчи мулк иштирокчилари;
- г) ижара муносабатларини расмийлаштирувчилар;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

4. Бозор иқтисодиётининг асосий белгисини аниқланг?

- а) талаб ва таклифнинг мос бўлиши;
- б) айирбошлашнинг эквивалент бўлиши;
- в) иқтисодий фаолият эркинлиги;
- г) рақобатга амал қилиниши;
- д) даромадларни тартибга солиш.

5. Талаб қонуни асосида қандай ҳолатлар ётади?

- а) одатда, кишилар мавжуд товарнинг нархи юқорироқ бўлган ҳолда камроқ харид этадилар;
- б) маҳсулот харид қилувчи, маҳсулотнинг кейинги бирлигидан камроқ наф қўради;

- в) маҳсулот нархининг пасайиши истеъмолчи пул даромадлари реал қадрининг ошишига олиб келади;
 г) инсонлар ҳамиша янги маҳсулотни харид қилишга интилади;
 д) фақат а), б) ва в) **жавоблар** тўғри.

6. Қуйидагилардан қайси бири корхона учун ташқи харажат ҳисобланади ?

- а) ишчи кучини ёллаш харажатлари, рента, фоиз тўловлари;
 б) бино ва иншоотлар амортизацияси;
 в) бошқарувчилар маоши;
 г) меъёردаги фойда;
 д) машина ва ускуналарни жорий ремонт қилиш харажатлари.

7. Қайси бир **жавоб**да нархга тааллуқли бўлган вазифалар жуфтлиги тўғри белгиланмаган?

- а) ҳисоб-китоб ҳамда ишлаб чиқариш ва истеъмолни боғлаш вазифалари;
 б) ишлаб чиқаришни янгилашга шарт-шароитлар ҳозирлаш ва бозор мувозанатини таъминлаш;
 в) иқтисодий регулятор ва мамлакатлар ўртасида алоқалар ўрнатиш вазифалари;
 г) иқтисодиётни тартиблаш ва аудиторлик хизмати вазифалари;
 д) рақобат воситаси ва ижтимоий ҳимоя вазифалари.

8. Реал миллий маҳсулот ифода этилган **жавоб**ни топинг.

- а) жорий бозор нархларида ҳисобланган миллий маҳсулот;
 б) ўзгармас нархларда ҳисобланган миллий маҳсулот;
 в) моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган маҳсулот;
 г) солиқлар чегириб ташланган миллий маҳсулот;
 д) тўғри **жавоб** берилмаган.

9. Муомала учун зарур бўлган пул миқдори қайси формула билан ҳисобланади?

- а) $ПМХ_k = (ТБ - X_k + X_{ш}) / АТ$ бу ерда:
 б) $ПМ = (ТБ + X_k + X_{ш}) / АТ$ ПМ- пул миқдори;
 в) $ПМ = (ТБ + X_k + X_{ш}) / АТ$ ТБ- сотилиши лозим бўлган товарлар нархи;
 г) $ПМ = (ТБ - X_k + X_{ш}) / АТ$ ХК - насияга сотилган товарлар нархи
 д) $ПМ = ТБ - X_k + X_{т} - X_{т}$
 нархи; АТ- пулнинг айланиш тезлиги.

10. Бозор иқтисодиёти шароитларида иқтисодиётни тартиблаш қайси тизим орқали амалга ошади?

- а) ҳуқуқий меъёрлар тизими орқали;
 б) самарали солиқ солиш тизими орқали;
 в) маркетинг тизими орқали;
 г) талаб ва таклиф механизми орқали;
 д) давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви орқали.

III. Кластер тузинг. Т О В А Р.

IV. «Корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмунини қисқача баён этинг.

V. Масалани ечинг:

Агар ер участкасидан олинадиган йиллик рента 1,3 млн. сўм ва фоиз ставкаси 15% бўлса, ернинг нархи қандай бўлади?

VI. Ўзбекистонда ислохотлар I босқичида амалга оширилган тадбирларни кўрсатинг (**жавоб** 6 та бўлсин)

1) хусусийлаштириш жараёни бошлаб берилди;

VII. «Профцит» тушунчаси қайси категория билан чамбарчас боғлиқ?

Нарх, давлат бюджети, солиқ, экспорт, инфляция.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажариш (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX. Иқтисодиётимиз истиқболлари тўғрисидаги фикрингизни баён этинг.

ВАРИАНТ № 3.

МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ЎРГАНИШ УСЛУБИ.
ТЕСТ.

1. Иқтисодиётнинг бош масаласи нима?

- а) ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- б) чекланган ресурслардан унумли фойдаланиш ҳисобига ўсиббораётган эҳтиёжларни қондиришнинг муқобил йўлларини топиш;
- в) истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- г) қишлоқ хўжалигини ривожлантириш;
- д) хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш.

2. Қайси бир **жавоб** мулкчилик муносабатларини тўғри акс эттиради?

- а) биргаликда фаолият юритиш билан боғлиқ муносабатлар;
- б) мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш жараёнларида вужудга келадиган муносабатлар;
- в) қишлоқ хўжалигида юзага келадиган муносабатлар;
- г) иш берувчилар ва ишга ёлланувчилар ўртасидаги муносабатлар;
- д) меҳнат миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўлаш билан боғлиқ муносабатлар.

3. Қуйидаги таърифлардан қайси бири бозор иқтисодиётини тўлароқ ифода этади?

- а) иқтисодий хатти-ҳаракатларнинг эркин, мустақил равишда юз бериши, товар-пул муносабатларидан кенг фойдаланиш, уларнинг бозор механизми орқали бир-бирларига боғланиб мувофиқлашув амалга ошадиган иқтисодиёт;
- б) ҳозирги замон иқтисодиёти;
- в) тақчиллик йўқ иқтисодиёт;
- г) мустақил давлатлар иқтисодиёти;
- д) товар-пул муносабатлари қўлланиладиган иқтисодиёт.

4. Талаб мазмуни қайси **жавоб**да тўғри акс этирилган?

- а) инсонларнинг кундалик эҳтиёжлари;
- б) эҳтиёжнинг пул билан таъминланиши;
- в) эҳтиёжларнинг ўз вақтида қондирилиб турилиши;
- г) қондирилиши зарур бўлган эҳтиёж;
- д) биргаликда қондириладиган эҳтиёжлар.

5. Ишлаб чиқариш харажатларининг таърифи қайси **жавоб**да тўғри берилган?

- а) фирма томонидан маълум бир вақт ичида товар ишлаб чиқариш учун сарфланган маблағ;
- б) фирманинг иқтисодий ресурслар учун қилган сарфи;
- в) маҳсулот реализацияси учун фирмалар томонидан қилинган сарфлар;

- г) фирманинг жалб қилинган маблағлари;
- д) фирманинг бир ойлик пул тушуми.

6. Нарх тушунчаси ишлаб чиқариш муносабатларининг қайси фазасига тааллуқли?

- а) ишлаб чиқаришга;
- б) айирбошлашга;
- в) тақсимотга;
- г) истеъмолга;
- д) нарх ҳар бир фазага тегишли.

Λ

7. Макроиктисодиёт тушунчаси нимадан иборат?

- а) йирик корхоналардан;
- б) миллий хўжаликларнинг ташкил топишидан;
- в) муайян мамлакат иқтисодидаги моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳалари мажмуасидан иборат;
- г) мамлакат иқтисодиётининг ҳамма тармоқларидан;
- д) миллий даромаддан.

8. Пул бу....

- а) жамғарилган маблағлар;
- б) капитал қўйилмалар, талаб ва таклиф нисбатини аниқловчи меъёр;
- в) таниш мумкин бўлган бир жинслик, бўлиниш, барқарорлик, истеъмолда чидамлилиқ ва ихчамлиқ сифатларига эга бўлган товар;
- г) турли ҳисобларда қайд этилган маблағлар;
- д) қонуний тўлов қучига эга бўлган товар.

9. Қўйидаги **жавоб**лардан қайси бири иқтисодиётни тартибга солиш мазмунини тўғри ифода этади?

- а) солиқ тизимини такомиллаштириб бориш;
- б) Иқтисодиётдаги турли бўғимлар фаолиятини бир-бирига боғлаш ва мос равишда ривожланиб боришини таъминлаш;
- в) аҳолини тўла ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш;
- г) Халқ хўжалигининг мунтазам ривожланиб боришига эришиш;
- д) ишсизлик муаммоларини ҳал этиш.

10. Жаҳон хўжалиги мазмунини тўғри акс эттирувчи **жавоб**ни топинг?

- а) бир қитъада жойлашган қўшни мамлакатлар хўжалиги;
- б) жаҳон иқтисодида олди-сотди муносабатларининг кенг йўлга қўйилиши;
- в) Халқаро иқтисодий муносабатларни йўлга қўювчи ташкилотлар тизими;
- г) халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ва уларни амалга ошириш механизми мажмуаси;
- д) Халқаро меҳнат тақсимоти тизими.

III. Кластер тузинг: ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

IV. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни мазмунини баён этинг.

V. Масалани ечинг:

Агар иш куни 8 соатдан иборат бўлиб, ундан 6 соати зарурий иш вақти бўлса, у ҳолда қўшимча маҳсулот нормаси қанча бўлади?

VI. Тадбиркор шахсга хос бўлган фазилатларни 6 гача тўлдилинг.

1)ташаббускорлик; 2).....

VII. «Очиқ ҳудудлар», деб ҳам номланувчи зона акс этган **жавоб**ни ажратинг.

1) эркин савдо зонаси; 2) эркин иқтисодий зона; 3) умумий бозор; 4; «иқтисодий ва валюта иттифоқи».

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажариш (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги материаллар йиғиш ва ҳоказо).

IX. Кейинги йилларда устувор шаклда ривожланаётган қандай соҳаларни биласиз? Фикрингизни баён этинг.

ВАРИАНТ № 4.

I. МАВЗУ: ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ ЭҲТИЁЖЛАР. II. ТЕСТ.

1. Бойликнинг асосини меҳнат ташкил этишини «Иқтисодиёт назарияси» фани шаклланишидаги қайси йўналиш тўғри таърифлаб берган?

- а) меркантилизм йўналиши;
- б) физиократлар йўналиши;
- в) классик (мумтоз) иқтисодий йўналиш;
- г) «эконометрика» йўналиши;
- д) маржинализм йўналиши.

2. Мулкчилик муносабатларининг таркибий тузилиши тўғри кўрсатилган қаторни кўрсатинг?

- а) мулкка эгалик қилиш;
- б) мулкни ўзлаштириш;
- в) мулкни ижарага бериш;
- г) мулкдан фойдаланиш;
- д) мулкни ўзлаштириш, эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш соҳаларидаги муносабатлар.

3. Бозор шароитида «иқтисодий регулятор» қандай вазифани амалга оширади?

- а) бозордаги ўзгаришларни ишлаб чиқаришга етказди ва унинг бозорга мослашувини таъминлайди;
- б) юқори нархни белгилайди;
- в) рақобатни вужудга келтиради;
- г) истеъмолчиларни кўпайтиради;
- д) иқтисодий конъюктурани кўрсатади.

4. Махсулот нархи ва унинг сотиб олинadиган миқдори ўртасидаги тесқари боғлиқлик қандай қонунга хос?

- а) таклиф қонуни;
- б) нафликнинг камайиб бориш қонуни;
- в) унумдорликнинг ўсиб бориш қонуни;
- г) талаб қонуни;
- д) унумдорликнинг пасайиб бориш қонуни.

5. Муомала харажатларига қайси бир харажатлар мансуб?

- а) ишлаб чиқаришни самарали юритиш билан боғлиқ харажатлар;
- б) ишлаб чиқарилган товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар;
- в) молиявий иш юритиш харажатлари;
- г) даволаш харажатлари;
- д) энг охирги вақтда қилинган сарфлар.

6. Нархнинг шаклланишида қандай меҳнат сарфлари иштирок этади?

- а) ишлаб чиқариш меҳнат сарфлари;
- б) бозор билан боғлиқ сарфлар;
- в) тақсимот билан боғлиқ сарфлар;

- г) истеъмор сарфлари;
- д) товарни ишлаб чиқаришдан тортиб истеъморга етгунча бўлган меҳнат сарфлари.

7. Миллий иқтисодиёт мазмуни тўғри берилган **жавоб**ни топинг?

- а) моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларини ўз ичига олган иқтисодиёт;
- б) ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида ташкил топган иқтисодиёт;
- в) янгидан яратилаётган соҳалар тизими;
- г) ўз ичига микро ва макроиқтисодиётларни, функционал иқтисодиётни ҳамда кўплаб инфратузилмаларни олган иқтисодиёт;
- д) ЯММ ни яратишда қатнашадиган иқтисодиётлар мажмуаси.

8. Пул таклифи қайси **жавоб** билан изоҳланади?

- а) хўжалик обороти учун керак бўлган пулга эҳтиёж;
- б) муомалага чиқарилган маълум турдаги пул миқдори;
- в) пулнинг ўз вазифаларини мунтазам бажариб туриши;
- г) муомалада пулнинг етарли бўлиши;
- д) муомалага чиқарилган пулнинг қадр-қиймати.

9. Бозор шароитларида микроиқтисодиётни тартиблаш шароитларига қайси бири қирмайди?

- а) бозор талабига риоя қилиш;
- б) илгари чиқарилган товарларни модификациялаш;
- в) фаолиятни ўзгараётган талаб-эҳтиёж томон буриш;
- г) маҳсулотни қандай меҳнат сарф қилган ҳолда ишлаб чиқариш зарурлигини эътиборга олиш;
- д) ишлаб чиқариш технологиясига эътиборни кучайтириш.

10. Жаҳон хўжалиги муносабатларига доир объектлар қаторига қирмайдиганини топинг?

- а) халқаро миқёсда ресурсларнинг тақсимланиши ва самарали ишлатилиши;
- б) ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперацияси;
- в) халқаро иқтисодий ташкилотлар;
- г) илмий техникавий ҳамкорлик;
- д) қолоқлик ва қашшоқликқа чек қўйиш.

III. Кластер тузинг. МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАР.

IV. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик қафолатлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий жиҳатларини баён этинг.

V. Масалани ечинг.

Фирма йил ичида ишлаб чиқариш ҳажмини 7,2 млн. сўмдан 8,0 млн. сўмга етказди. Иқтисодий ўсиш суръатини ҳисобланг.

VI. Ислохотлар II босқичининг асосий вазифаларини тўлдириг. 1). Чуқур таркибий ўзгаришларини амалга ошириш. 2).....

VII. Ички харажатга хос бўлган **жавоб**нинг тагига чизинг:

Банк тижорат хизматлари учун сарф харажатлар, ёқилғи харажатлари, қарз пул маблағлари ва унинг учун фоизлар, иш хақи.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ишни бажариш (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва х.з.)

IX. Кейинги вақтда қайси соҳаларда сезиларли ислохотлар юз бермоқда.

ВАРИАНТ № 5

1. Мавзу: Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг асосий омиллари.

II. ТЕСТ.

1. Инсоннинг иқтисодийётдаги ўрнини қайси жавоб тўғри ифодалайди?

- а) инсон иқтисодийётнинг ҳаракатга келтирувчи кучи, товар ва хизматларнинг яратувчиси ҳамда истеъмолчиси;
- б) инсон ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги алоқани таъминловчи;
- в) инсон иқтисодий муносабатларни йўлга қўювчи;
- г) у ҳамма даражаларда иқтисодийётнинг ташкилотчиси;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

2. Мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш қайси бири билан боғлиқ?

- а) мулкка эгалик қилиш;
- б) мулкдан фойдаланиш;
- в) мулкни тасарруф этиш;
- г) мулкни ижарага олиш;
- д) барча **жавоб**лар ҳам тўғри.

3. Бозор иқтисодиёти ўз моҳияти жихатидан бўлади...

- а) иқтисодий монополизмга асосланган иқтисодиёт;
- б) соф эркин иқтисодиёт;
- в) соф марказлашган иқтисодиёт;
- г) маъмурий-буйруқбозликка асосланган Иқтисодиёт;
- д) аралаш, бошқарилиб-тартибланиб турадиган иқтисодиёт.

4. Фирманинг маълум товарга бўлган сотиб олиш курби нима дейилади?

- а) бозорда юксак мавқега эга бўлиш;
- б) бозор мувозанатига эришганлик;
- в) яққаталаб;
- г) бозор таклифига тўғри ёндашиш;
- д) бозор ҳолатига қараб иш тутиш.

5. Харажатларнинг қўп ёки кам бўлиши нималарга боғлиқ?

- а) корхонанинг қайси соҳада фаолият юритишига боғлиқ;
- б) хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлигига боғлиқ;
- в) ресурсларни харид этиш нархига боғлиқ;
- г) ресурсларни тежаб-тергаб ишлатишига боғлиқ;
- д) фақат в) ва г) **жавоб**лар тўғри.

6. Нархнинг мазмуни асосида нималар ётиши қайси жавобда берилган?

- а) моддийлашган ва жонли меҳнат сарфлари;
- б) ижтимоий-зарурий меҳнат сарфи, товар ва хизматнинг ўзига хослиги;
- в) товар ва хизматларнинг нафлиги, бозор шарт-шароитлари;
- г) ижтимоий - зарурий меҳнат сарфи, товар ва хизматларнинг нафлиги;
- д) товар ва хизматларнинг қайси мамлакатда яратилгани.

7. Иқтисодий мустақилликни ифода этувчи томонларга қайси бири хос эмас?

- а) ўз валютасига эга бўлиш;
- б) миллий бойликни тасарруф эта билиш;
- в) иқтисодий сиёсатни маъкул ҳолда олиб бориш;

- г) ресурслардан самарали фойдаланиш;
- д) ислохотларни ўтказиш.

8. Пул тизими таркибига қуйидагилардан қайси бири қирмайди?

- а) миллий пул бирлиги;
- б) қўғоз, металл ва кредит пуллар;
- в) давлат бюджети;
- г) пул эмиссияси тизими;
- д) пул муомаласини йўлга қўйувчи муассасалар.

9. Қайси иқтисодий мактаб вакиллари давлатнинг иқтисодиётга кенг аралашувини ёқлаб чиқадилар?

- а) меркантилизм мактаби вакиллари;
- б) физиократлар;
- в) классик мактаб иқтисодчилари;
- г) монетаристлар;
- д) Кейинчалик;

10. Жаҳон хўжалиги қачон шаклланди?

- а) жаҳон хўжалиги Халқаро иқтисодий алоқалар вақтидан бери мавжуд;
- б) машиналашган ишлаб чиқариш юзага келган даврдан бошлаб мавжуд;
- в) жаҳон хўжалиги XIX аср ўрталарида шаклланди;
- г) XIX аср охири XX аср бошлари жаҳон хўжалиги ташкил топиш даври ҳисобланади;
- д) иккинчи жаҳон урушидан сўнггина жаҳон хўжалиги шаклланди.

III.Кластер тузинг: ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунининг амалий аҳамиятини ёритинг.

Масалани ечинг:

Агар ссуда фоизи нормаси 17 % бўлса, банк ўзи қарз берган 1.200.000 сўм учун бир йилдан сўнг қанча пул ундиради?

VI. Иқтисодий ўсиш омиллари қаторини тўлдириг.

1). Асосий капиталнинг ҳажми; 2), 3), 4), 5).

VII. Тадбиркорлар, мулкдорлар ва давлатга тегадиган маҳсулотни аниқланг.

ЯММ, СММ, зарурий маҳсулот, қўшимча маҳсулот, ўртача маҳсулот.

VIII. Фан йўналиши юзасидан мустақил ижодий ишни бажариш (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва х.в.).

IX. Сиз фаолият юритаётган иш жойингизда мустақиллик йилларида қандай иқтисодий ўзгаришлар бўлиб берилиши баён этинг.

ВАРИАНТ № 6.

I. МАВЗУ: ИЖТИМОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ НАТИЖАЛАРИ.

II. ТЕСТ.

1. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кенг тарқалган «Экономика» курслари қайси мактаб билан боғлиқ?

- а) Кейинчалик;
- б) институционал йўналиш;

- в) янги классик мактаб;
- г) эконометрика мактаби;
- д) XX аср барча мактаблари хам «Экономика» га дахлдор.

2. Мулккий муносабатларнинг қайси жихати тўлиқ мулкдорлик мавқеини таъминлайди?

- а) мулкка эгалик қилиш;
- б) мулкдан фойдаланиш;
- в) мулкни тасарруф этиш;
- г) иқтисодий фаолият натижасини ўзлаштириш;
- д) **жавоб**лар узвий равишда мулкдорлик мавқеини ифода этади.

3. Бозор иқтисодиётини тартибга солиш механизми қандай амалга оширилади?

- а) нарх-навони белгилаш орқали;
- б) солиқ сиёсати орқали;
- в) пул-кредит сиёсати орқали;
- г) давлатнинг маъмурий тадбирлари орқали;
- д) бозор қонунлари орқали.

4. Талаб қонунидан қандай хулоса чиқариш мумкин?

- а) юқори нархлар истеъмолчининг харид қилиш истагини сусайтиради, паст нархлар эса кучайтиради;
- б) истеъмолчи маҳсулотнинг қўшимча бирлигини фақат унинг нархи пасайган шароитда сотиб ола бошлайди;
- в) нархнинг пасайиши истеъмолчи пул даромадининг сотиб олиш қобилиятини ёки реал даромадни оширади;
- г) маҳсулот нархи ўсганда истеъмолчи унинг ўрнини босувчи арзонроқ товарларни сотиб олишга ҳаракат қилади;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

5. Уртача харажат қандай аниқланади?

- а) доимий ва ўзгарувчи харажатлар қўшилади;
- б) ички ва ташқи харажатлар қўшилади
- в) умумий харажатлардан муомала харажатлари айириб ташланади;
- г) умумий харажатлар маҳсулот бирлиги миқдorigа бўлинади;
- д) барча харажатлар жамланиб, уларнинг ўртачаси олинади.

6. Хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларда қайси нарх қўлланилади?

- а) демпинг нарх;
- б) арзонлаштирилган нарх;
- в) шартномавий ва келишилган нархлар;
- г) стандарт нархлар;
- д) эркин нархлар.

7. Макроиқтисодий кўрсаткичларни акс эттирадиган ҳолатларга қайси бири хос эмас?

- а) маълум вақт оралиғидаги миллий ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаш;
- б) корхоналар иқтисодий аҳволига баҳо бериш;
- в) миллий иқтисодиётнинг фаолият юритишига бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқланг;
- г) ЯММ ни унинг барча ҳаракат босқичларида кўргазмали акс эттириш;
- д) мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланишнинг мос келишини таҳлил этиб, умумий иқтисодий мувозанатликни аниқлаш.

8. Пулга бўлган талабни ифода этувчи жавоб ни топинг.

- а) пул бирлигининг харид этиш курби;
- б) хўжалик обороти учун керак бўлган пулга эҳтиёж;
- в) хўжалик оборотида пулнинг доимо ҳаракатда бўлиши;
- г) пулнинг муомалага чиққан миқдори;
- д) пулнинг ўз вазифаларини бажариши.

9. Давлатнинг иқтисодий тартибга солиш мақсади қайси жавоб да ўз ифодасини топган?

- а) ресурсларни самарали ва даромадларни адолатли тақсимлаш билан иқтисодий тартибга солиш;
- б) молия-кредит тизимини самарали йўлга қўйиш;
- в) валюта қадрини ошириш, унинг эркин алмаш олишини таъминлаш;
- г) Иқтисодий тартибга солиш ўзгаришлар қилиш;
- д) хусусийлаштириш жараёнини ўз вақтида изчил ўтказиш.

10. Жаҳон хўжалиги ривожланишига қандай тенденция хос?

- а) турли мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт даражаси жиҳатдан бир текис ривожланиши;
- б) илғор ва қолоқ мамлакатлар ўртасидаги фарқнинг кучайиши;
- в) тараққиёт даражаси жиҳатдан турли мамлакатларнинг бир-бирига яқинлашуви;
- г) индустриал мамлакатларнинг бошқа давлатларга нисбатан тез ўсиб бораётганлиги;
- д) янги индустриал мамлакатларнинг жаҳон хўжалигида етакчилик қилиши.

III. Кластер тузинг: РАҚОБАТ.

IV. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қисқача мазмунини баён этинг.

V. Масалани ечинг:

Агар йиллик ер рентаси 1 млн. сўм, ерга илгари сарфланган капитал учун фоиз 250 минг сўмлик ҳамда амортизация суммаси 350 минг бўлса, ижара ҳақи қанча бўлади?

VI. Иш ҳақи тизимига хос бўлган қаторни давом эттиринг. **Жавоблар 5 гача** бўлсин. Ишбай-муқофоттизими, ...

VII. Қайси бир қимматбаҳо қоғоз эгаси қайд қилинган даромад соҳиби бўлади?

Уни белгиланг. Акция, чек, сертификат, облигация, вексель.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни амалга ошириш (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX. Иқтисодий тизимнинг ҳозирги ҳолати тўғрисидаги фикрингизни билдириг.

ВАРИАНТ №7

I. МАВЗУ: ИЖТИМОЙ ХЎЖАЛИК ШАКЛЛАРИ. ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ.

II. ТЕСТ.

1. Марказий Осиёда яшаб ўтган қуйидаги мутафаккир ва алломаларнинг қайси бирининг асарларида иқтисодий ғоялар энг кўп ўз аксини топган?

- а) Фаробий;
- б) Ибн Сино;
- в) А.Навоий;
- г) А.Темур;

д) Юсуф Хос Хожиб.

2. Мулк нима? Уни ифода этувчи жавоб ни аниқланг.

- а) ер ости ва ер усти бойликлар;
- б) ишлаб чиқариш ресурслари;
- в) уй-жой фондлари;
- г) авлодлар меҳнати билан яратилган ва табиат инъом этган барча бойликлар;
- д) ишлаб чиқариш воситалари.

3. Бозор муносабатларини ривожлантиришга кимларнинг ҳуқуқлари устун туради?

- а) истеъмолчиларнинг;
- б) ишлаб чиқарувчиларнинг;
- в) чет эллик фуқароларнинг;
- г) бошқарувчи ходимларнинг;
- д) давлатнинг.

4. Қуйидагилардан қайси бири талаб тушунчасининг мазмунини тўлароқ характерлайди?

- а) эҳтиёж, хоҳиш;
- б) истак;
- в) қондирилиши зарур бўлган эҳтиёж;
- г) эҳтиёжнинг фақат пул билан таъминланган қисми;
- д) эҳтиёжларнинг ўз вақтида қондирилиб туриши.

5. Ишлаб чиқариш ҳажми ортиши билан маълум чегарагача камайиб борадиган, сўнг эса ўсадиган харажатлар бу...

- а) доимий харажатлар;
- б) меъёрий харажатлар;
- в) ўзгарувчан харажатлар;
- г) ички харажатлар;
- д) ташқи харажатлар.

6. Нархнинг шаклланиши қандай омиллар асосида ташкил топади?

- а) фақат қиймат омили асосида;
- б) бозордаги сотувчи ва харидор ўртасидаги муносабат асосида;
- в) талаб ва таклиф, нафлик, қиймат ҳамда рақобат омили асосида;
- г) талаб омили асосида;
- д) ишлаб чиқариш савияси асосида. <ЯЛПИ>

7. Қайси жавобда макроиқтисодиётга тўғри таъриф берилган?

- а) мамлакат миқёсида моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларни бир бутун қилиб олинган миллий ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиёт;
- б) энг етакчи соҳалар йиғиндиси;
- в) алоҳида олинган корхоналар иқтисодиёти;
- г) маълум ҳудуддаги корхоналар йиғиндиси;
- д) халқ хўжалиги инфратузилмаси мажмуи.

8. Қуйидаги жавоблардан қайси бири пулнинг ликвидлигини ифодалайди?

- а) аниқ моддий шаклга эга бўлиб, қўлдан-қўлга ўтиб юрувчи пуллар;
- б) пулнинг ликвидлиги пулнинг харид қобилиятидир;
- в) пулнинг хоҳлаган вақтда ва осонгина бошқа нарсага айлана олиш хусусияти;
- г) ликвидлик мунтазам равишда пулнинг муомалага чиқарилиб турилиши;
- д) барча пул турларининг муайян нисбатларда яхлитликни ташкил этиш.

9. Иқтисодиётни тартиблаш усуллари тўғри кўрсатилган қаторни аниқланг.

- а) режали ва илмий ташкил этиш усуллари;
- б) истеъмолни эътиборга олиш ҳамда истиқболни белгилаш усуллари;
- в) тартибланишнинг режали ва бозор усуллари;
- г) иқтисодий мувозанатлик ва мутоносиблик усуллари;
- д) иқтисодиётни тартиблаш усуллари кўп бўлиши мумкин.

10. Жаҳон ҳўжалиги ташкил топиши ва ривожланишнинг ҳал қилувчи омили нима?

- а) турли мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий алоқалари;
- б) фан-техника тараққиёти;
- в) халқаро меҳнат тақсимоти;
- г) оламшумул (глобал) муаммоларни ҳал этиш зарурати;
- д) ресурслар танқислиги.

III. Кластер тузинг: ИНФЛЯЦИЯ

.

IV. Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қисқача мазмуни ёритилиб берилсин.

V. Масалани ечинг.

Номинал иш ҳақи 20 %, реал иш ҳақи 15% ўсган бўлса, нарх даражаси қандай ўзгарган?

VI. Ялпи талабга таъсир этувчи омиллар қаторини тўлдилинг.

1) нархомили; 2).....3).....4).....5).....6).....

VII. Давлат бюжети ҳисобидан махсус молиялаштириладиган нархни белгиланг.

Демпинг нарх, дотациялашган нарх, шартнома нархи, улгуржи нарх, нуфузли нарх.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажариш (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш ва ҳ.з)

IX. Иқтисодиётимизнинг устивор ривожланиш йўналишлари тўғрисида фикрингизни билдилинг.

ВАРИАНТ № 8

I. МАВЗУ: ПУЛНИНГ МОҲИЯТИ, ВАЗИФАЛАРИ.

II. ТЕСТ.

1. «Иқтисодиёт назарияси» фанининг предметини белгилаб берган жавобни топинг.

- а) чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиш;
- б) кишилар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш;
- в) такрор ишлаб чиқариш барча фазаларни назарда тутиш;
- г) «Иқтисодиёт назарияси» нинг аниқ иқтисодий фанлар (микроиқтисодиёт, менежмент ва ҳ.з.) билан алоқасига эътибор бериш;
- д) а), б), в), г) **жавоб**лар узвий равишда фан предметига асос бўлади.

2. Мулкчиликнинг турли-туманлиги ва унинг бозор муносабатларини ривожлантиришдаги ўрни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нечанчи моддасида қайд этилган?

- а) 11-модда;
- б) 25-модда;
- в) 47-модда;
- г) 53-модда;

д) 89-модда.

3. Адам Смит тилга олган «кўзга кўринмас қўл» нима?

- а) қиймат қонуни;
- б) талаб қонуни;
- в) таклиф қонуни;
- г) рақобат;
- д) объектив иқтисодий қонунлар.

4. Бозорда қўй гўштининг нархи тушса, мол гўшти таклифи кўпаядими ёки камаядими?

- а) бу ҳолда мол гўшти таклифи ҳам камаяди;
- б) мол гўшти таклифи ошади;
- в) қўй ва мол гўшти таклифи бир-бирига боғлиқ эмас;
- г) улар нисбати ўзгаришсиз қолади,
- д) таклиф миқдори ишлаб чиқарувчилар қарорига боғлиқ бўлади.

5. Фойда нормаси 20% бўлган соҳада фирма 3 млн сўм пулни аванслаяпти. Агар барча мажбурий тўловлар 240 минг сўм бўлса, «нетто» фойда қанча миқдорни ташкил этади?

- а) 360 минг сўм;
- б) 390 минг сўм;
- в) 415 минг сўм;
- г) 600 минг сўм;
- д) 1 млн. сўм.

6. Эркин бозор нархлари қандай ташкил топади'

- а) харидор томонидан белгиланади;
- б) сотувчи томонидан белгиланади;
- в) талаб ва таклиф асосида белгиланади;
- г) бозорда белгиланади;
- д) бозор вақтига қараб нарх турлича бўлади.

7. Миллий ҳисоблар тизими, деганда нимани тушунаси?

- а) бу барча истеъмолчилар, яъни аҳоли, корхоналар ва давлат сотиб олиши мумкин бўлган нархлар даражасидаги турли товар ва хизматларнинг умумий ҳажми;
- б) корхона иш натижаларини ифодалайдиган кўрсаткичлар тизими;
- в) тадбиркорларнинг сарф-харажат ва даромадларини акс эттирувчи тизим;
- г) бу ЯММ ва миллий даромадни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни ифодалайдиган ўзаро боғлиқ макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими;
- д) миллий ўлчов бирликлари тизими.

8. Қайси бир жавоб пул агрегатини ифода этади?

- а) нақд пуллар йиғиндиси;
- б) маълум муддатга ёки муддатсиз банкка қўйилган пуллар;
- в) сертификатлар;
- г) жамғарила бориб, харид қилишга сақловчи барча пул воситаси;
- д) муайян пул бирлигига нисбатан берилиши.

9. Трансферт тўловлари давлат томонидан қайси мақсадни қўзлаб амалга оширилади?

- а) монополистик фаолиятни чеклаш мақсадида;
- б) моддий ва маънавий неъматларни кўпроқ ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида;
- в) кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш учун;
- г) тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйиш мақсадида;

д) бюджет камомадини қоплаш учун.

10. Халқаро иқтисодий муносабатлар қай шаклда бўла олмайди?

- а) фан-техника бўйича ҳамкорлик қилиш;
- б) ишчи кучи миграцияси;
- в) валюта-кредит муносабатлари;
- г) аҳолининг иқтисодий ташкилотлар ишида иштирок этиши
- д) савдо-сотиқ.

III. Кластер тузинг: МАРКЕТИНГ

IV. «Мулкчилик тўғрисида» ги Ўзбекистон республикасининг қонуни **ва** унинг аҳамияти қисқача ифода этилсин.

V. Масалани ечинг:

Истеъмолга ўртача мойиллик (ИЎМ) 0,83 ҳамда жамғарма 300 минг сўм бўлса, даромад миқдори қанча бўлади?

VI. Иқтисодий мутаносибликдан 5 тасини ёзинг: 1) умумиқтисодий; 2).....

VII. Мажбурий ишсизлик тури тагига чизинг.

Фрикцион ишсизлик, таркибий ишсизлик, циклик ишсизлик, ихтиёрий ишсизлик, муассасавий ишсизлик.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни амалга ошириш (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумот йиғиш ва х.з.)

IX. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар қандай натижа бераётганлигини изохланг.

ВАРИАНТ 9

I. МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ КЎЛАМЛАРИ.

II. ТЕСТ.

1. Ҳозирги замон иқтисодий назариясининг қайси оқимида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг ва иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий воситаси пул, деб ҳисобланади?

- а) Кейинчалик;
- б) монетаризм;
- в) институционализм;
- г) либерализм;
- д) барча оқимларда.

2. Мулкнинг реализациясига қайси жавоб тўғри келмайди?

- а) ўз мулкни капитал сифатида қўлаб қўйиш;
- б) ўз мулкни ижарага бериш, ижара ҳақида эга бўлиш;
- в) ўз мулкни бўлган ишчи кучини ишга солиб даромад олиш;
- г) интеллектуал мулкни сотиш ҳисобига кун кўриш;
- д) нотўғри **жавоб** йўқ.

3. Қайси ҳолат бозор иқтисодиётининг заиф томонини ифодалайди?

- а) талаб ошишига қараб ишлаб чиқаришнинг ривожланиши;
- б) бозор иқтисодиётининг новация (янгиликларни қабул қилиш) га мойиллиги;
- в) товар ва хизматлар тўқинлигини яратиш асосида эҳтиёжларни тўлароқ қондириш;
- г) дарҳол фойда келтирмайдиган, лекин илм-маърифат келажаги учун муҳим бўлган йўналишларнинг суст ривожланиши;
- д) боқимандаликка барҳам бериш.

4. Бозорда корхона махсулотига талаб ва унинг орқасидан нарх ўсмокда.

Шу билан бирга, ушбу товарни ишлаб чиқариш ва бозорга етказиб бериш харажатлари ҳам мос равишда кўпайса, таклиф миқдорида ўзгариш бўладими?

- а) товарга нарх ошиши, албатта, таклифни кўпайтиради;
- б) таклиф миқдори тез ўсиб боради;
- в) таклиф миқдори ўзгаришсиз қолади;
- г) маълум вақтгача товарлар омборларда тўпланиб қолади;
- д) таклиф қисқаради.

5. Фирма узоқ муддатли даврда ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш учун қандай харажатларни амалга оширади?

- а) транспортга сарфларни;
- б) асбоб-ускуна ва дастгоҳларга чиқимларни;
- в) хом-ашё ва ёрдамчи материалларга сарфларни;
- г) ташқи ва ички харажатларни;
- д) ҳар қандай чиқимлар ҳам узоқ муддатли харажатлар ҳисобланади.

6. Нархларнинг юқори ва куйи чегараларини белгилаб қўйиш:

- а) нарх миқдори;
- б) нарх даражаси;
- в) нарх диапазони, деб аталади;
- г) миллий нархлар, дейилади;
- д) нархнинг юқори даражаси, дейилади.

7. ИММ (ички миллий махсулот) мазмунини қайси жавоб тўғри ифодалайди?

- а) миллий хўжаликларда бир йил давомида вужудга келтирилган ё бевосита истеъмолчиларга етказиб берилиши мумкин бўлган тайёр пировард махсулот ва хизматларнинг бозор қиймати;
- б) жорий бозор нархларида ҳисобланган миллий махсулот;
- в) маълум вақт давомида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилишга тайёр пировард махсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги қиймати;
- г) ўзгармас нархларда ҳисобланган миллий махсулот;
- д) қатор йиллар давомида яратилган миллий махсулот.

8. Пул миқдорида таъсир этувчи омиллар қаторига реал банк проценти даражаси ва инфляция суръатларини қайси иқтисодий мактаб вакиллари киритганлар?

- а) меркантилизм вакиллари;
- б) физиократлар;
- в) Кейнсчилар;
- г) монетаристлар;
- д) маржинализм намояндалари.

9. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш қоидаларига қайси бири хос эмас?

- а) иқтисодиётни тартиблашда умумжамиyat манфаатларини кўзлаш;
- б) юқори фойдани кўзлаб иш тутиш;
- в) иқтисодиётни тартиблашда турли хил иқтисодий воситалар мажмуидан фойдаланиш;
- г) рақобатчилик муҳити учун шароитлар яратиш;
- д) иқтисодий ўсиш ва фаровонлик мақсадларини кўзлаш.

10. Халқаро иқтисодий интеграцияни тақозо этувчи асосни топинг?

- а) машиналашган ишлаб чиқаришнинг чуқур ихтисослашуви ва ташқи алоқаларнинг зарурлиги;
- б) турли мамлакатлар иқтисодий даражаларининг бир-бирига яқинлиги;
- в) мамлакатлар сиёсий-ижтимоий тузумининг ўхшашлиги;

- г) турли мамлакатларнинг ҳудудий умумлиққа эга эканлиги ва уларнинг тарихан ташкил топган алоқалари мавжудлиги;
д) ҳар бир **жавоб** ҳам тўғри.

III. Кластер тузинг: ПУЛ

IV. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қисқача мазмуни баён этилсин.

V. Масалани ечинг:

Агар мамлакат 1,2 млрд. долларлик товар ва хизматлар экспортини ҳамда 1,15 млрд. долларлик импортини амалга ошираётган бўлса, ташқи савдо айланмаси ва актив савдо қолдиғи қанча миқдорни ташкил этади?

VI. Рақобат усуллариға хос тадбирларни 7 гача тўлдириг. 1) нархни пасайтириш; 2).....

VII. Корхонанинг рентабиллик даражасини молиянинг қайси бир вазифаси акс эттиради? Уни белгиланг.

ижтимоий вазифа, тақсимлаш вазифаси, рағбатлантириш вазифаси, иқтисодий ахборот бериш.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ишни бажариш (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва х.з.)

IX. Иқтисодиётимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларини баён этиг.

ВАРИАНТ 10

I. МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ.

II. ТЕСТ.

1. «Иқтисодиёт назарияси» нинг предметини аниқланг.

- а) жамиятдаги иқтисодий ходисалар, жараёнлар, уларга хос бўлган алоқа боғланишларни, уларнинг қонун-қоидаларини инсонлар фаолиятида намоён бўлишини ўрганувчи фан;
- б) ишлаб чиқариш жараёни, ишлаб чиқариш муносабатлари тизимики таҳлил этувчи ва ўрганувчи фан;
- в) микроиқтисодиёт даражасидаги иқтисодий воқеликни ўргатувчи фан;
- г) макроиқтисодий жараёнларни таҳлил этувчи, ққтисодий воқеликни акс эттирувчи фан;
- д) уй хўжалигини ўрганувчи фан;

2. Кооператив мулкнинг асосий белгиси нима?

- а) бу мулкнинг қўпчиликқа тааллуқли эканлиги;
- б) бу мулкнинг Халқ хўжалигининг қўп соҳаларида мавжудлиги;
- в) мулк эгаларининг ишлаб чиқариш воситалариға эгалиги;
- г) мулкдорларнинг ишлаб чиқариш воситалари ва унинг натижалармға жамоа бўлиб эгалик қилишлари;
- д) ҳар бир мулкдор улушининг аниқ белгиланганлиги.

3. Бозор иқтисодиёти мавжуд бўлишининг шарт-шароитларини кўрсатинг.

- а) ҳуқуқий қонунлар, низомлар ва бошқалар;
- б) тадбиркорлик эркинлиги, мулкка хусусий эгалик ҳуқуқи, рақобат,
- в) чет эл инвестицияларининг қўплаб киритилиши;
- г) халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши;

д) бозорни чукур ўрганиш.

4. Қай бир холда нархга кўра **таклиф** ўзгарувчан бўлади?

а) $НТФ > 1$;

б) $НТФ = 1$;

в) $НТФ < 1$;

г) $НТФ > 0$;

д) $НТФ > ос$.

5. Корхонада ишлаб чиқарилаётган махсулот умумий хажми ўзгармай қолганда фойдани қандай ўстириш мумкин ?

а) ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳисобига;

б) махсулот нархини ошириш ҳисобига;

в) қўшимча ресурсларни жалб қилиш ҳисобига;

г) а) ва б) **жавоблар** тўғри;

д) б) ва в) **жавоблар** тўғри.

6. Қуйидаги қайси омиллар товар нархини пасайтиради?

а) юқори нафлик;

б) талабнинг ортиши

в) таклифнинг камайиши;

г) кучли рақобат кураши;

д) талаб ва таклифнинг мослиги.

7. Қайси жавобда ялпи миллий махсулотни ҳисоблаш усуллари жуфтлиги тўғри берилмаган:

а) қўшилган қиймат усули, ЯММ ни даромадлар бўйича ҳисоблаш;

б) қўшилган қиймат усули, ЯММ ни харажатлар бўйича ҳисоблаш;

в) ЯММ ни даромадлар бўйича ҳисоблаш, нарх ўзгаришини эътиборга олиб ҳисоблаш;

г) ЯММ ни даромадлар ва харажатлар асосида ҳисоблаш;

д) нотўғри **жавоб** йўқ.

8. Стагфляция қайси ҳолатда юз беради ?

а) муомалада керагидан ортиқча пул пайдо бўлганида;

б) харажатлар ошиши орқасида товарлар нархи кўтарилганда;

в) товар ва хизматлар миқдори ялпи талабдан орқада қолганида;

г) инфляция иқтисодий танглик билан бирга юз берганида;

д) таркибий инқирозлар кучайганида.

9. Макро даражада тартибга солишга хос бўлмаган қаторни белгиланг?

а) қонунчилик асосида молия ва солиқ сиёсатини амалга ошириш;

б) изчил бюджет сиёсатини юритиш;

в) давлат томонидан халқ хўжалигининг айрим бўғинларини қўллаб-қувватлаш;

г) ижтимоий ҳимоя сиёсатини юритиш;

д) пул эмиссиясини тўғри йўлга қўйиш, инфляцияни жиловлаш;

10. Қайси жавоб янги халқаро иқтисодий тартибни ифода этади?

а) жаҳон миқёсида ихтисослашув жараёнининг кучайиши;

б) тенгликка асосланган, ўзаро манфаатли ва адолат қоидаларига хос бўлган турли мамлакатлар алоқаси;

в) махсулот ва хизматларни яратишда кооперация алоқаларининг юқори даражага чиқиши;

г) ривожланаётган мамлакатларни жаҳон хўжалигидаги ўрнининг кучайиши;

д) турли иқтисодий тўсиқларни бартараф этиш билан боғлиқ фаолият.

III. Кластер тузинг: ИШ ҲАҚИ

IV. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қисқача мазмуни ёритилсин.

V. Масалани ечинг:

Авансланган капитал 4 млн. сўм бўлиб, у йилига 4 марта айланади. Фойда нормаси 25 % бўлганида у қанча даромад келтиради? (Олинган даромад қайта авансланмайди)

VI. Иқтисодий цикл фазаларини тўлдилинг.

1)инқироз, 2).....

VII. Ишлаб чиқарувчи кучлар даражасини ифодаладиган **жавоб**ни топинг.

Меҳнат интизоми, иш вақтини тежаш, ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омили ўртасидаги нисбат, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажариш (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва

Ҳ-3.)

IX. Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бориш ҳақидаги фикрингизни баён этинг. Б.кю

ВАРИАНТ 11.

I. МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ШАКЛЛАРИ.

II. ТЕСТ.

1. Қуйидагилардан қайси бири биргаликда қондириладиган эҳтиёж ҳисобланади?

- а) моддий эҳтиёж;
- б) маданий-маиший эҳтиёж;
- в) меҳнат жамоаси эҳтиёжлари;
- г) физиологик эҳтиёж;
- д) меҳнат қилишга бўлган эҳтиёж.

2. Товар хўжалигини ифода этувчи жавобни аниқланг.

- а) ўз шахсий эҳтиёжини қондириш мақсадида маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хўжалик;
- б) мукамал машина ва асбоб ускуналардан фойдаланадиган хўжалик;
- в) катта ҳажмда ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжалик;
- г) сотиш мақсадида бозорга маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарувчи хўжалик;
- д) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик.

3. Режали (маъмурий-буйруқбозлик) иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш қайси бир ҳолатни тақазо этади?

- а) бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;
- б) бозор инфратузилмасини шакллантириш;
- в) хусусийлаштириш жараёнларини кенг йўлга қўйиш;
- г) нархларни эркинлаштириш;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

4. Тадбиркорлик капитали қандай шаклда бўла олмайди?

- а) пул ва унга тенглаштириладиган қимматли қоғозлар шаклида;
- б) унумли капитал шаклида;
- в) товар капитали шаклида;
- г) янги техника ва технология ишланмалари шаклида;
- д) тўғри **жавоб** йўқ.

5. Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатдан қандай мақсад кўзда тутилган?

- а) иқтисодий ресурсларни арзон баҳоларда сотиб олиш;

- б) товарларни қулай шароитларда ишлаб чиқариш;
- в) товарларни фойда келтирадиган юқори нархларда сотиш;
- г) бозорда ўз мавқеини мустахкамлаш ва истеъмолчиларни ўзига оғдириб олиш;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

6. Ижара муносабатларни кўрсатинг.

- а) давлат билан ширкат хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар;
- б) қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий муносабатлар;
- в) ердан ҳақ тўлаш шарти билан маълум муддатга фойдаланиш юзасидан келиб чиқадиган алоқалар;
- г) қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш;
- д) аграр соҳадаги тижорат ишлари.

7. Иқтисодий ўсиш омилларига қайси бири хос эмас?

- а) табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
- б) ишчи кучи миграцияси;
- в) меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати;
- г) ишлаб чиқаришдаги асосий капитал;
- д) ишлаб чиқариш технология даражаси.

8. Молиявий муносабатларнинг субъектларини аниқланг.

- а) барча турдаги корхона ва муассасалар;
- б) аҳолининг кенг қатламлари;
- в) давлат ташкилотлари ва муассасалари;
- г) чет эллик жисмоний ва юридик шахслар;
- д) молиявий муносабатларнинг барча иштирокчилари.

9. Аҳоли даромадлари ичида асосий ўринни қайси даромад эгаллайди?

- а) шахсий (ёрдамчи) хўжаликдан олинadиган даромад;
- б) дивидент;
- в) нафақалар;
- г) иш ҳақи;
- д) стипендия.

10. Квота нима?

- а) муайян номдаги ва турдаги импорт қилинадиган товарлар миқдорини чегаралаб қўйиш;
- б) импорт миқдорини маълум тартибда ўстириш тизими;
- в) импортни маълум вақтларда амалга оширишни кўзлаш;
- г) импорт таркибини ўзгартириш;
- д) экспорт ва импорт ўртасидаги нисбат.

III. Кластер тузинг: ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНЛАР

IV. «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуннинг қисқача мазмунини баён этинг.

V. Масалани ечинг:

Агар барча корхоналар 310 мингта бўлиб, улар 7 млрд. сўмлик маҳсулот чиқараётган бўлсалар ҳамда хусусий корхоналар 2 млрд. сўмлик натижа кўрсатаётган бўлсалар қанча хусусий корхона ишлаётган бўлади? (Корхоналар бир хил миқёсда, деб тасаввур этилган)

VI. Бозорнинг белгилари қаторини тўлдилинг. **Жавоблар** сони 5 та бўлсин.

- 1) харидор ва сотувчининг тенглиги; 2) 3) 4) 5)

VII. Иммиграцияни чеклаш қайси бир тадбирга хос эканини белгиланг: ишчи кучига бўлган талабни ошириш, ишчи кучи таклифини қисқартириш, касбни малакали лицензиялаш, монополь мавқеидаги тадбиркорларга қаршилик кўрсатиш.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ишни бажариш (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX. Халқ ҳўжалигимизнинг охириги йилда эришган ютуқлари ва бу йил олдида турган вазифалари ҳақида биланларингизни баён этинг.

ВАРИАНТ № 12

I. МАВЗУ: МИЛЛИЙ БОЙЛИКНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ХАРАКАТИ.

II. ТЕСТ.

1. Иқтисодий фаолият турларидан қайси бирининг натижаси бўлиб моддий-ашёвий кўринишдаги неъматлар чиқади?

- а) хизмат кўрсатишда;
- б) истеъмолда;
- в) иқтисодий нафли иш бажаришда;
- г) ишлаб чиқаришда;
- д) айирбошлашда.

2. Товар қиймати ва меҳнат унумдорлиги ўртасида қандай боғлиқлик бор?

- а) тўғри боғлиқлик бор;
- б) тескари боғлиқлик бор;
- в) улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик мавжуд эмас;
- г) товар қиймати ва меҳнат унумдорлиги ўзгармайди;
- д) тўғри жавоб йўқ.

3. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли бошқа МДХ мамлакатлари йўлидан аввало нимаси билан фарқ қилади?

- а) маданий бозорга юз тутиши билан;
- б) чет эл тажрибаларини ҳисобга олиш билан;
- в) миллий жиҳатларни доимо назарда тутиш билан;
- г) ички ва ташқи хусусиятларни, жаҳон андозаларини инобатга олган ҳолда иш кўриш билан;
- д) бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги билан.

4. Тадбиркорларга ихчам, замонавий технологияларни етказиб беришда қайси тизим катта аҳамият касб этади?

- а) лизинг;
- б) консалтинг;
- в) аудиторлик;
- г) суғурта;
- д) солиқ тизими.

5. Бозор рақобатининг афзал томонига ҳос бўлмаганини топинг.

- а) товарларни танлаб олиш имкониятларининг ўсиши;
- б) маҳсулот ассортиментининг фақат маҳаллий ишлаб чиқариш чекланмаслиги;
- в) харидорлар кўпчилигининг харид қобилиятларининг тушмаслиги;
- г) ишлаб чиқариш савиясининг ошиши;
- д) чет эл инвестицияларидан оқилона фойдаланиш.

6. Ернинг табиий шароити ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (масалан, чой, цитрус ўсимликлари ва ҳ.з.) етиштириш имконини берганда қандай рента ҳосил бўлади?

- а) абсолют ер рентаси;
- б) дифференциал рента I.
- в) дифференциал рента II.
- г) монополь рента;
- д) ноёб ўсимликлар ҳар бир **жавоб**га ҳам мос келиши мумкин.

7. Қуйидагилардан қайси **бири миллий бойликнинг хусусияти эмас?**

- а) у меҳнат натижасида яратилади ва қўпайиб боради;
- б) у жамғарилиб боради;
- в) у тақдоран ҳосил бўлади;
- г) миллий бойлик қўпчилик манфаатлари йўлида текис тақсимланади;
- д) у муайян мол-мулк сифатида кишилар тасарруфида бўлади.

8. Бюджетдан ташқари фондлар фаолияти билан боғлиқ бўлмаган **жавобни аниқланг.**

- а) ижтимоий суғурта фонди;
- б) пенсия фонди;
- в) моддий рағбатлантириш фонди;
- г) аҳолини иш билан таъминлаш фондлари;
- д) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фонди.

9. Қуйидагилардан қайси **бири адолатсиз даромадлар жумласига киради?**

- а) мулкдан келадиган рента;
- б) ишчи-ҳодимлар иш ҳақи;
- в) акция курсининг ўзгариши билан топиладиган даромад;
- г) тадбиркор фойдаси;
- д) акционерлар оладиган дивиденд.

10. Валюта курсларига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларни кўрсатинг.

- а) миллий даромад ва ишлаб чиқариш харажатлари даражаси;
- б) тўлов баланси ҳолати;
- в) мамлакатдаги фоиз ставкаси даражаси;
- г) валютага жаҳон бозоридаги ишонч;
- д) ҳамма **жавоб** тўғри.

III. Кластер тузинг: ЭХТИЁЖ.

IV. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмунини қисқача ёритилсин.

V. Масалани ечинг: Корхонада ойига 1500 дона маҳсулот чиқарилади.

Ҳар бир маҳсулот 375 сўмдан сотиляпти. Агар маҳсулот учун чиқимлар 255 сўмни ташкил этса, корхона ойига қанча фойда кўради?

VI. Асосий капиталнинг эскириши қайси ҳолатларда юз беришини 4 та **жавоб**да акс эттиринг.

1)фойдаланиш жараёнида, 2).....

VII. «Қиймат» тушунчаси тақдор ишлаб чиқаришнинг қайси фазага хос эканини белгиланг.

ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажариш (реферат ёзиш. масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX. Қадрлаш тайёрлаш Миллий дастурини бажаришда Сизнинг иштирокингиз қандай бўлаётганини ёритинг.

ВАРИАНТ № 13.

I. МАВЗУ: МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ, ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ.

II. ТЕСТ.

1. Жамият эҳтиёжининг миқдоран ўсиб ва таркибан янгиланиб боришига нима таъсир кўрсатади?

- а) аҳоли сонининг ўсиши;
- б) фан-техника тараққиёти;
- в) реклама ва алоқа коммуникацияларининг ривожланиши;
- г) миллий ва халқаро бозорларнинг ривожланиши;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

2. Товар хўжалигида иқтисодий муносабатлар қаерда намоён бўлади?

- а) ташқи сиёсатда;
- б) бозорда;
- в) мамлакат доирасида;
- г) ички сиёсатда;
- д) хўжалик фаолиятида.

3. Бозор ислохотлари охир-оқибат нимага хизмат қилади?

- а) бозор муносабатларини тўғри шакллантиришга;
- б) иқтисодий алоқаларнинг кучайишига;
- в) турли ҳудудларнинг бир текис ривожланишига;
- г) мустақиллик стратегиясига, яъни мустақил ва ривожланган, халқ фаровонлигини таъминлай оладиган кучли Иқтисодиёт барпо этишга;
- д) замонавий ишлаб чиқаришнинг бунёд бўлишига.

4. Асосий ва айланма капитал ўртасидаги фарқлар нимадан келиб чиқади?

- а) хизмат қилиш давридаги фарқлардан;
- б) ўз қийматини маҳсулотга кўчириш усулидаги фарқдан;
- в) маълум вақт ичида айланиш сонидagi фарқдан;
- г) қайта тикланишдаги фарқлардан;
- д) узвий равишда барча **жавоблар** асосий ва айланма капитал ўртасидаги фарқларни ифодалайди.

5. Рақобатлашув жараёни қаерларда амалга ошади?

- а) рақобат фақат бозорда рўй беради;
- б) рақобатга ишлаб чиқаришдаёқ киришилади;
- в) рақобат бозорда бевосита юз берса, бозордан ташқарида, хусусан ишлаб чиқаришда унга ҳозирлик кўрилади;
- г) рақобат такрор ишлаб чиқариш барча фазаларини ҳамраб олмайди;
- д) рақобатга тадбиркорлар хохиши бўйича киришилади.

6. Ернинг ижарага берилиши кимнинг манфаатини юзага чиқаради?

- а) ер эгасининг ,чунки уижара ҳақ олади
- б) ижарага олувчининг, чунки у ерда тадбиркорлик юритиб фойда олади;
- в) ерда бевосита ишловчиларнинг;
- г) қишлоқ хўжалигига алоқадор барча одамларнинг;

д) фақат а) ва б) **жавоб**лар тўғри.

7. Қуйидаги омиллардан қайси бири экстенсив ўсишга мансуб?

- а) фан-техника ютуқларининг жорий қилиниши;
- б) меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш;
- в) маҳсулотнинг истеъмол хусусиятини яхшилаш;
- г) капитал қўйилмапарини қўпайтириш ва ишлаб чиқаришнинг шу асосида миқдоран ўсиши;
- д) ходимларнинг билим савияси ва меҳнат малакасини ошириб бориш,

8. Молия муносабатларини қайси жавоб тўғри ифодалайди?

- а) молиявий муносабатларни амалга ошириш услуги;
- б) молия муносабатлари, уларга хизмат қилувчи муассасалар;
- в) молия моҳиятининг хўжалик фаолиятидаги аниқ кўриниши;
- г) пул шаклида ташкил этиладиган молиявий фондлар;
- д) микро ва макро даражалардаги ресурслар ҳаракати.

9. Қайси бир даромаднинг манбаи қўшимча маҳсулот эмас?

- а) фойда;
- б) рента;
- в) иш ҳақи;
- г) дивиденд;
- д) процент(фоиз).

10. Эркин иқтисодий зоналарни аниқланг.

- а) бу эркин савдо қилинадиган ҳудудлар;
- б) бу хорижий капиталга солиқ имтиёзи бериладиган ва бож пули камайтириладиган ҳудудлар;
- в) бу турли мамлакат тадбиркорлари учун имтиёзли ҳар хил иқтисодий шарт-шароитлар яратилган ҳудудлар;
- г) бу мустақил ривожланаётган мамлакатларнинг ажратган ҳудудлари;
- д) бу техника ва технология ҳамда инновация йўналиши учун махсус ажратилган ҳудудлар.

III.Кластер тузинг: МИЛЛИЙ БОЙЛИК.

IV. «Тадбиркорлик ва тадбиркорликнинг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни мазмуни баён этилсин.

V. Масалани ечинг:

Агар миллий даромад 7 млрд. доллар, унинг жамғаришга сарфлана-диган қисми 1,5 млрд. доллар бўлса, жамғариш нормаси қанча бўлади?

VI. Менежмент доирасига хос бўлган вазифалар қаторини тўлдилинг: 1) корхонани самарали бошқариш; 2)_____ б).....

VII. Нақд бўлмаган пул тагига чизинг:

қоғоз пул, танга пул, 100 сўмлик пул, жорий депозитдаги пул.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажариш (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва Ҳ.з.)

IX. Иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги ютуқлар, муаммолар ҳақидаги фикрингизни билдилинг.

1. МАВЗУ: МУЛК ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ.

II. ТЕСТ.

1. Чекланган ресурслар билан чексиз эҳтиёжларни тўлароқ қондириб боришга қандай эришилади?

- а) эҳтиёжларни қондиришнинг мақбул даражасини аниқлаш;
- б) муқобил маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- в) ресурслардан фойдаланишнинг турли муқобил вариантларидан энг кўп маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиганини танлаб олиш;
- г) ресурсларни самарали тақсимлаш;
- д) а), б), в), ва г) **жавоб**лари узвий равишда эҳтиёжларни тўлароқ қондириб боришга имкон беради.

2. Товар қиймати қандай меҳнат сарфларини ифодалайди?

- а) индивидуал;
- б) зарурий;
- в) қўшимча;
- г) ижтимоий-зарурий;
- д) умумий.

3. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг классик моделига қайси бир жавоб тўғри келади?

- а) маъмурий-буйруқбозлик тизимидан эркин бозор муносабатларига ўтиш;
- б) оддий товар ҳўжалигидан ёлланма меҳнатга асосланадиган жамият ва ундан тараққий этган бозор иқтисодиётига ўтиш;
- в) анъанавий иқтисодиётдан тўғридан-тўғри маданийлашган бозор иқтисодиётига ўтиш;
- г) бозор иқтисодиётига мустамлакачилик билан боғлиқ қолоқ иқтисодиётдан ўтиш;
- д) тўғри **жавоб** йўқ.

4. Амортизация ажратмаларини ҳисоблаш учун асосий капитал қандай усулларда баҳоланади?

- а) дастлабки қиймати бўйича;
- б) қолдиқ қиймати бўйича;
- в) қайта тиклаш қиймати бўйича;
- г) такрор ишлаб чиқариш қиймати бўйича;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

5. Монополиялар ҳукмрон шароитда рақобатнинг қайси тури мавжуд эмас?

- а) бир тармоқ монополиялари ўртасидаги рақобат;
- б) натурал ҳўжаликдан бозор иқтисодиётининг дастлабки шаклларида ўтиш давридаги рақобат;
- в) турли тармоқ монополиялари ўртасидаги рақобат;
- г) турли мамлакатлар монополиялари ўртасидаги рақобат;
- д) аутсайдерлар ўртасидаги рақобат.

6. Ер ўз мулки бўлганлиги учун ер эгаси оладиган рента номини айтинг?

- а) дифференциал рента I;
- б) дифференциал рента II;
- в) абсолют ер рентаси;
- г) монопол рента;
- д) қурилиш участкаларидан олинадиган рента.

7. Цикл нима?

- а) кризисларнинг узоқ вақт давом этиши;

- б) бир кризисдан иккинчи кризис бошлангунча бўлган давр;
- в) турғунлик даври;
- г) жонланиш даври;
- д) юксалиш даври.

8. Солиқ ставкасини белгилашда ҳисобга олинадиган тамойиллар қаторига кирмайдиганини топинг?

- а) халқ хўжалиги соҳасини ҳисобга олиш тамойили;
- б) наф依лик тамойили;
- в) тўловга лаёқатлилик тамойили;
- г) адолатлилик тамойили;
- д) солиқ тўлашда имтиёзлилик тамойили.

9. Аҳоли истеъмоли ва пул жамғармалари даражасини белгилайдиган асосий омил нима?

- а) миллий даромад;
- б) шахсий даромад;
- в) солиқлар даражаси;
- г) иш ҳаки;
- д) фоиз ставкаси.

10. Халқаро валюта тизимининг мазмуни берилган жавобни аниқланг?

- а) валюта муносабатларининг миллий қонунчилик билан белгиланадиган ва шу мамлакатда амал қилиш тизими;
- б) бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасига таққосланиши;
- в) бир мамлакат валютаси курсининг бошқа давлат пул бирлигида ифодаланиш тизими;
- г) халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битимларда ҳуқуқий жихатдан қайд этилиш шакли;
- д) янги валютани муомалага киритиш тизими.

III. Кластер тузинг: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

IV. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иқтисодий тизимга хос моддалари мазмуни баён этилсин.

V. Масалани ечинг:

Агар давлат бюджети даромадлари 800 млрд. сўм, харажатлари эса 830 млрд.сўмни ташкил этиб, ЯИМ 2100 млрд. сўм бўлса, давлат бюджети тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан неча фоиз бўлади?

VI. Республикамизда хусусийлаштирилмайдиган 6 та объектни ёзиб кўрсатинг. 1) ер ости бойликлари; 2).....,

VII. «Клейтон» қонуни қабул қилинган йилни белгиланг. 1850 й, 1890 й, 1910 й, 1914 й, 1958 й.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX. Иқтисодиётимизнинг истиқболлари тўғрисидаги фикрингизни билдириш.

ВАРИАНТ № 15.

I. МАВЗУ: МУЛКНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ, ЙўЛЛАРИ.

II. ТЕСТ.

1. Эҳтиёж тушунчаси ҳақида биринчилардан бўлиб фикр билдирган олимни топинг.

- а) Аристотель;
- б) Платон;**
- в) Фаробии;
- г) А.Смит.
- д) Ж.М.Кейнс.

2. Ижтимоий ҳўжалик шакллари топинг.

- а) бозор иқтисодиёти ва режали иқтисодиёт;
- б) аниқ ва мавҳум меҳнат;
- в) натурал ва товар ҳўжалиги;
- г) анъанавий ва яширин иқтисодиёт;
- д) уй ҳўжаликлари.

3. Бозор иқтисодиётини танлашдан асосий мақсад нима?

- а) иқтисодий, сиёсий ва маънавий тангликдан чиқиш, иқтисодиётни ривожлантириш;
- б) валюта муносабатларини тартибга солиш;
- в) ташқи иқтисодий муносабатларни яхши йўлга қўйиш;
- г) қишлоқ ҳўжалиги муаммоларини ҳал этиш;
- д) аҳоли фаровонлигига эътиборни қаратиш.

4. Тадбиркорлик деганда нима тушунилади?

- а) қонунга ҳилоф бўлмаган иқтисодий фаолият юритиш;
- б) моддий ва пул маблағларини ҳаракатга солиш;
- в) бозорга керакли товар ва хизматларни етказиб бериб, кишиларга наф келтириш;
- г) амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иш юритиш ва кишиларга наф етказиш билан даромад топиш;
- д) банкка пул қўйиб, даромад олиш.

5. Рақобатнинг мавжуд бўлиш шартларини кўрсатинг.

- а) тармоқда ишлаб чиқарувчиларнинг кўп бўлиши;
- б) иқтисодий алоқаларнинг ривожланган бўлиши;
- в) кишиларнинг мулк эгалари сифатида алоҳидалашуви;
- г) товар-пул муносабатларининг мавжуд бўлиши;
- д) кишиларнинг мулк эгалари сифатида алоҳидалашуви ва товар-пул муносабатларининг мавжуд бўлиши.

6. Қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш неча ёқлама характерга эга?

- а) фақат моддий неъматлар яратиш жараёни;
- б) қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш икки ёқлама характерга эга бўлиб, у биринчидан, иқтисодий жараён ва иккинчидан, табиий-биологик жараёндир;
- в) кўп ёқлама жараён;
- г) табиий-биологик жараёнлар йиғиндиси бўлиб, у инсон меҳнатисиз ҳам мавжуд бўлади;
- д) у уч ёқлама характерни, яъни ерга эгалик, ундан фойдаланиш ва тасарруф этишни билдиради.

7. Қайси бир жавоб иқтисодий ўсишни ифодалайди?

- а) ишлаб чиқариш технологиясининг такомиллашуви;
- б) мамлакатда чуқур ўзгаришлар қилиш;
- в) миллий валюта қадрининг ўсиб бориши;
- г) ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши;
- д) янги корхоналарнинг қурилиши.

8. Молиявий муносабатлар нима?

- а) турли нодавлат ташкилотлари ва аҳолининг пул маблағлари;
- б) давлатнинг марказлашган даромадлари;
- в) пул ресурсларини ҳосил қилиш, уларни тақсимлаш ва ишлатиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар;
- г) ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун ажратилган маблағлар;
- д) турли субъектлардан қонуний тарзда ундириладиган тўлов муносабатлари.

9. Қайси бир жавоб бозор иқтисодиётига хос тақсимот қонуни мазмунини ифодалайди?

- а) олинадиган даромад мамлакат иқтисодиёти даражасига боғлиқ бўлади;
- б) даромадлар даражаси халқ ҳўжалиги соҳасига боғлиқ;
- в) моддий неъматлар ва хизматлар ресурслар берган пировард натижага қараб, уларнинг эгалари ўртасида тақсимланади;
- г) даромадлар тақсимот муносабатларининг изчиллигига боғлиқ;
- д) тўғри **жавоб** берилмаган.

10. Қайси бир жавоб жаҳон бозорини характерлайди?

- а) байналминал харажатлар асосида иш кўрувчи бозор;
- б) Халқаро меҳнат тақсимоти орқали бир-бирларига боғлиқ мамлакатлар ўртасидаги барқарор олди-сотди муносабатлари;
- в) тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги алоқалар;
- г) жуда катта товар массалари олди-сотди қилинадиган бозор;
- д) янги маҳсулотлар олди-сотдиси.

III. Кластер тузинг: ТАҚСИМЛАШ

IV. «Корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қисқача мазмуни баён этилсин.

V. Масалани ечинг:

Жамиятда ссуда фоизи 12% ҳамда акция йилига 500 сўм дивиденд келтирса, акция курси қанча бўлади?

VI. Солиқ ставкасини белгилашда ҳисобга олинадиган тамойилларни тўлдириг:

1) нафлилик тамойили; 2).....; 3).....; 4).....;

VII. Товарларнинг ижтимоий қиймати, яъни бозор қиймати қайси бир рақобат ҳолатида аниқланишини белгиланг:

Тармоқлараро рақобат, тармоқ ичидаги рақобат, олигополия, соф монополия.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар қандай натижа бераётганини изоҳланг.

ВАРИАНТ № 16.

I. МАВЗУ: ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ ТУШУНЧАСИ. ТИЗИМ ТУРЛАРИГА ТУРЛИЧА ЁНДАШУВ.

II. ТЕСТ.

1. Иқтисодий фаолият деб аталади.....

- а) мунтазам равишда мавҳум бир иш билан шуғулланишга;
- б) тирикчиликни таъминлаш усули, унинг воситалари мажмуига;
- в) ишлаб чиқаришнинг касб нуктаи назаридан табақалашувига;
- г) саноат иши билан шуғулланишга;
- д) замонавий техника-технологиялар билан боғлиқ соҳаларда иш олиб боришга.

2. Товарда гавдаланган меҳнатнинг **икки** ёклама хусусиятини топинг.

- а) хусусий ва ижтимоий меҳнат;
- б) аниқ(конкрет) ва мавҳум (абстракт) меҳнат;

в) ақлий ва жисмоний меҳнат;

г) оддий ва мураккаб меҳнат;

д) шахсий ва жамоа меҳнати.

3. Иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишини топинг.

а) саноатни ривожлантириш;

б) технологияни такомиллаштириш;

в) ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартириш;

г) қишлоқ хўжалигида саноат билан боғлиқ корхоналарни ишга солиш;

д) хизмат кўрсатиш соҳаларига эътиборни кучайтириш.

4. Ҳозирги кунда тадбиркорликнинг муаммолари ичида энг муҳимини аниқланг.

а) ресурсларни қулай топиш муаммоси;

б) тайёр маҳсулотни реализация қилиш муаммоси;

в) тадбиркорлар ишига давлат органларининг ўринсиз аралашуви;

г) маблағ етишмаслиги муаммоси;

д) кадрлар муаммоси.

5. «Дженерал Моторс», «Форд», ва «Крайслер» каби компаниялар қандай рақобат соҳасига мансублар?

а) соф рақобат;

б) монополистик рақобат;

в) олигополия;

г) соф монополия;

д) бу компаниялар ўзаро рақобатга киришмайдилар.

6. Тупроқнинг иқтисодий ҳосилдорлиги билан боғлиқ рентани топинг.

а) дифференциал рента I;

б) дифференциал рента II;

в) абсолют ер рентаси;

г) монопол рента;

д) қурилиш участкалари учун бериладиган рента.

7. «Миллий бойлик» тушунчаси қуйидаги қайси ҳолатга ҳос?

а) мамлакат аҳолиси кўлида тўпланган пул маблағлари;

б) ер ости ва ер усти бойликлари йиғиндиси;

в) қишлоқ хўжалиги ва саноатда яратилган барча маҳсулотлар;

г) авлодлар меҳнати билан яратилган ва жамиятда жамғариб келинган неъматлар ва табиат инъомлари йиғиндиси;

д) қурилишда яратилган барча бино ва иншоотлар мажмуи.

8. Бюджет тақчиллигини бартараф этишнинг энг самарали йўлини топинг.

а) солиқларни ошириш;

б) кредит муносабатларини кенг йўлга қўйиш;

в) пул муомаласини мустаҳкамлаш;

г) бюджет харажатларини камайтириш;

д) ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш.

9. Даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи омиллар қаторига кирмайдиганини топинг?

а) инсонлар салоҳияти ва иш қобилиятларининг фарқи этиши;

б) инсонлар салоҳиятини ишга солиш имкониятларининг турлилиги;

в) оила таркибининг ҳар хил бўлиши;

г) иқтисодий хатарларнинг мавжуд бўлиши;

д) кишиларнинг ўз эҳтиёжларига турлича ёндашишлари.

10. Олтин-стандарт тизими амал қилиши учун зарур бўлган шартларга мансуб бўлмаганини топинг.

а) ҳар бир мамлакат пул бирлигининг олтин мазмунининг ўрнатилиши;

б) мамлакат олтин захираси ва пулининг ички таклифи ўртасидаги қаттиқ нисбатнинг ушлаб турилиши;

в) мамлакатда маълум вақт давомида нархларнинг қатъий белгиланиши;

- г) олтиннинг эркин экспорт ва импорт қилинишига йўл қўйиш;
д) ҳамма **жавоб** ҳам тўғри.

III. Кластер тузинг: АЙИРБОШЛАШ.

IV. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қисқача мазмуни ёритилсин.

V. Масалани ечинг:

3 йил ичида мамлакатда ойлик иш ҳақи 700 доллардан 1230 долларгача ўсди. Нарх индекси эса 45 % кўтарилди. Аҳолининг фаровонлиги ошдими ёки тушдими?

VI. Тадбиркор ўз рақибини енгиш учун қўллайдиган беш хил тадбирни тузинг:

1)товар нархини тушириш; 2).....; 3).....; 4).....; 5).....

VII. Фойда миқдорини камайтирмаслик учун фойда нормаси пасайган ҳолда фойдани қайтадан пул топишга қўйиш қайси **жавоб**да ўз ифодасини топган. Уни белгиланг.
Амортизация, реквизиция, реэкспорт, реинвестиция, реализация.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва х.з.)

IX. Кейинги вақтда қайси соҳаларда сезиларли ўзгаришлар юз берганини баён этинг.

ВАРИАНТ 17.

I. МАВЗУ: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТУШУНЧАСИ.

II.ТЕСТ.

1. Иқтисодий ресурсларга тўғри таъриф берилган қаторни белгиланг.

- а) корхонанинг пул маблағлари;
- б) оилалар ихтиёрида тўпланган моддий бойликлар;
- в) турли субъектлар ихтиёрида бўлган ва товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш уларни истеъмолчиларга етказиб беришда ва истеъмол қилиш жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган имкониятлар, воситалар ҳамда манбалар;
- г) давлат томонидан ишга солинадиган маблағлар;
- д) аҳолининг сарф-харажатлари йиғиндиси.

2. Товар деб нимага айтилади?

- а) яратилган маҳсулотга;
- б) истеъмолга тушган барча моддий неъмат ва хизматларга;
- в) ўзгалар эҳтиёжини қондирувчи воситаларга;
- г) кишилар эҳтиёжини қондирадиган ва бозор учун ишлаб чиқарилган маҳсулотга;
- д) бозорга чиқарилган барча нарсаларга.

3. Иқтисодий ислохотлар нима?

- а) ижтимоий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган чора тадбирлар;
- б) Иқтисодиётда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар;
- в) сиёсий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар;
- г) маънавий ва маиший ўзгаришларга қаратилган тадбирлар;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

4. Асосий капиталнинг жисмоний эскириши қачон рўй беради?

- а) фойдаланиш жараёнида;
- б) ҳаракатсиз туриши натижасида;
- в) табиий кучларнинг таъсирида;
- г) мақсадли фойдаланилмаганда;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

5. Бозор рақобати қайси босқичда маҳаллий бозорлар доирасидан чиқиб, миллий бозор миқёсида юз беради?

- а) натурал хўжалиқдан бозор иқтисодиётининг дастлабки шаклларига ўтиш босқичи;
- б) капиталистик эркин рақобат босқичи;
- в) монопол рақобат босқичи;
- г) янги эркин рақобат босқичи;
- д) рақобатнинг ҳар бир босқичи миллий доирада юз бераверади.

6. Аграр муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларига қайси бири кирмайди?

- а) табиий иқлим шароитларининг таъсири катта эканлиги;
- б) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларини ишлатишнинг ўзига хослиги;
- в) қишлоқ хўжалигининг қисман ўз маҳсулотини қайта ишга солиши;
- г) маҳсулот етиштиришнинг одатда мавсумий характерга эгалиги;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

7. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт нуқтаи назаридан иқтисодий ўсишни чеклайдиган жавобни аниқланг?

- а) иқтисодий ўсиш учун маблағларнинг етишмаслиги;
- б) техника-технологиянинг суст ривожланиши;
- в) атроф-муҳитнинг ифлосланиш шароитлари;
- г) кадрлар малакасининг пастлиги;
- д) иқтисодий ўсишни чеклайдиган ҳолатлар бўлиши мумкин эмас.

8. Молиявий ресурслар жумласига қайси бири кирмайди?

- а) амортизация фонди;
- б) фойдадан ажратилган пул маблағлари;
- в) миллий бойлик;
- г) қарзга олинган пул маблағлари;
- д) маҳсулот таннари.

9. Қайси даромад тури ходимларнинг биргаликдаги бевосита меҳнати натижасига боғлиқ?

- а) ижара ҳақи;
- б) рента;
- в) фойза;
- г) иш ҳақи;
- д) дивиденд.

10. Қуйидаги иқтисодий зоналардан қай бири «очик ҳудудлар» дейилади?

- а) эркин савдо зоналари;
- б) банк ва суғурта зоналари;
- в) технологик зоналар;
- г) экспортга мўлжалланган саноат зоналари;
- д) комплекс характердаги алоҳида иқтисодий зоналар.

III. Кластер тузинг:

ИСТЕЪМОЛ.

IV. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий мазмунини ёритинг.

V. Масалани ечинг:

Агар 0,5 млн сўм пул 17% шарт билан бир йилга қарз олган бўлса, қарздор шу вақт ўтгач қанча пул қарз берувчига ўтказди?

VI. Ташкилий нуқтаи назардан корхоналарнинг шакллари 6 тага етказинг.

1) маъсулияти чекланган фирма; 2).....; 3)....; 4).....; 5)....; 6).....

VII. Ташқи савдодаги чеклашни қайси бири ифода этади? Тагига чизинг.

Экспорт, лицензия, квота, субсидия, субвенция.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX. Сиз фаолият юритаётган иш жойингизда мустақиллик йилларида қандай иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар рўй берганини баён этинг.

ВАРИАНТ 18.

I. МАВЗУ: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ БЕЛГИЛАРИ.

II. ТЕСТ.

1. Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар ўзининг туридан қатъий назар нималарга боғлиқ эмас?

- а) жамият тараққиётидаги эришилган даражага;
- б) жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизимиغا;

- в) ҳаёт кечишришнинг табиий-жўғрофий шароитларига;
- г) микроиктисодиёт даражасидаги муаммоларга;
- д) урф-одат, анъаналар ва турмуш тарзига.

2. Товар ҳўжалигининг вужудга келиш шарт-шароитлари нималардан иборат?

- а) ижтимоий меҳнат тақсимоти;
- б) махсулотни ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилиши;
- в) мулк эгаларининг алоҳидалашуви;
- г) ижтимоий меҳнат тақсимоти ва мулк эгаларининг алоҳидалашуви;
- д) айирбошлашнинг вужудга келиши.

3. Бозор ислохотларини амалга оширишда I босқичнинг икки хал қилувчи вазифасини кўрсатинг.

- а) кўп укладли иқтисодиётни яратиш, турли субъектларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш;
- б) маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш;
- в) бозор муносабатлари негизларини яратиш; иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш; танглик ҳолатларига барҳам бериш;
- г) кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, мулкдорлар синфини вужудга келтириш;
- д) сўмнинг қадрини ошириш, ҳуқуқий меъёрларни замон талабига мослаштириш;

4. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш шарт-шароитлари нималардан иборат?

- а) ҳўжалик юритиш субъекти сифатида иқтисодий эркинликка эга бўлиш;
- б) мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиш;
- в) иқтисодий муҳит ва ижтимоий шарт-шароит;
- г) мулкчилик, ҳўжалик юритишнинг турли-туман шакллари;
- д) ҳар бир жавоб тўғри.

5. Рақобатга бир мақсад сари интилувчи бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашуви, деб таъриф берилса, у кимлар ўртасидаги рақобатни характерлайди?

- а) товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги;
- б) хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги;
- в) ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги;
- г) истеъмолчилар ўртасидаги;
- д) ҳар бир жавоб ҳам тўғри ҳисобланади.

6. Аграр муносабатлар неча субъект ўртасидаги алоқаларни ифода этади?

- а) икки шахс-мулк эгаси ва ерда ишловчилар ўртасидаги алоқаларини;
- б) икки субъект, яъни ижарачи ва ер эгаси муносабатларини;
- в) ер эгаси ва давлат ўртасидаги алоқаларни;
- г) уч субъект, яъни ер эгаси, ижарачи ва ерда ишловчилар ўртасидаги муносабатларни;
- д) ўнлаб асосий субъектлар ифода этилади.

7. Иқтисодий ўсишнинг алоҳида томонларини характерлайдиган жихатлар қаторига қайси бири кирмайди?

- а) ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси;
- б) ташқи ижтимоий-иқтисодий алоқалар;
- в) меҳнат унумдорлиги ва иш вақтини тежаш;
- г) шахсий даромад ва фойда массаси;
- д) миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши.

8. Молиявий муносабатларнинг мохиятини қуйидагилардан қайси бири тўла характерлайди?

- а) пул маблағларининг шаклланиши билан боғлиқ муносабатлар;
- б) пул маблағларини тақсимлаш билан боғлиқ бўлган муносабатлари;
- в) пул маблағларининг ишлатилиши билан боғлиқ муносабатлар;
- г) пулнинг ҳаракати, яъни унинг шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилиши жараёнида вужудга келадиган муносабатлар;
- д) молиявий муносабатлар кўп қиррали бўлиб, у иқтисодий муносабатларнинг муҳим соҳасини ташкил этади.

9. Майиб-мажруҳ ва мухтожлар қандай даромад оладилар?

- а) меҳнат билан топилган даромад;
- б) мол-мулкдан топилган даромад;
- в) бозор даромади;
- г) нобозор даромади;
- д) барча манбалардан келувчи даромад.

10. Жаҳон бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва энергия ресурсларини таклиф этувчилар қандай мавқега эга бўладилар?

- а) улар ўзаро тенг мавқега эга бўладилар;
- б) улар монопол мавқега эга бўладилар;
- в) бу ресурсларнинг бошқа олди-сотди объектларидан фарқи йўқ;
- г) бундай ресурс сотувчилар қийинчиликка дуч келадилар;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

III. Кластер тузинг: ТАКЛИФ

IV. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмунини қисқача баён этилсин.

V. Масалани ечинг:

Маҳсулот таннархи 600 сўм бўлган вақтда иш ҳақининг ундаги улуши 40 % ни ташкил этар эди. Меҳнат унумдорлиги ошиши оқасида унинг улуши 30% га тушди, таннарх эса 520 сўм бўлди. Иш ҳақининг сўмлардаги улуши ҳисоблансин. (ҳар икки ҳол учун).

VI. Иқтисодиётни барқарорлаштиришга хос бўлган тадбирлардан 6 тасини ёзинг: 1) пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш; 2).....; 3).....; 4).....5).....; 6).....

VII. Кўчмас мулк учун бериладиган кредит шаклини аниқланг: Истеъмомчилик кредити, ипотека кредити, банк кредити, давлат кредити, тижорат кредити, хўжаликлараро кредит.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX. Сиз фаолият юритаётган иш жойингизда мустақиллик йилларида қандай иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар рўй берганини баён этинг.

ВАРИАНТ 19.

I. МАВЗУ: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ЗАРУРИЯТИ.

II. ТЕСТ.

1. Эҳтиёж тушунчаси қайси жавобда тўғри акс эттирилган?

- а) инсоннинг яшаши, меҳнат қилиши ва камол топиши учун зарур бўлган товар ва хизматлар йиғиндиси;
- б) уй-жойга бўлган зарурат;
- в) меҳнат қилишга бўлган имконият;
- г) инсон учун зарур бўлган саноат;
- д) кундалик харид моллари.

2. Натурал хўжаликни ифода этувчи жавобни аниқланг.

- а) бозор учун маҳсулот ишлаб чиқариладиган хўжалик;
- б) бошқалар учун маҳсулот етказиб бериладиган хўжалик;
- в) ўз шахсий эҳтиёжини қондириш мақсадида маҳсулотлар яратиш;
- г) режа асосида иш юритувчи хўжалик;
- д) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона.

3. Бозор иқтисодиётининг умуминсоний қадрият экани нимада кўринади?

- а) рақобатнинг пайдо бўлишида;
- б) товар-пул муносабатлари кенг қўлланилишида;
- в) кишиларнинг мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш ва мулкдорлар синфининг шаклланишида;
- г) кўп укладли иқтисодиётнинг вужудга келишида;
- д) давлат иқтисодий вазифаларининг қисқаришида.

4. Жавобларнинг қай бири тадбиркорнинг мажбуриятини ифода этади?

- а) инфляцияга қарши чора-тадбирлар қўллаш;
- б) ўз маҳсулоти нархини белгилаш;
- в) асосий фондлардан унумли фойдаланиш;
- г) ишчи кучи миграциясига таъсир этиш;

д) ўз вақтида солиқларни мунтазам тўлаб бориш.

5. Иқтисодий соҳадаги рақобат деганда нимани тушунмоқ керак?

а) хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги нормал фойдани қўлга киритиш мақсадида амалга оширилаётган курашни;

б) фойдани кўпроқ олиш учун иш юритиш;

в) ишлаб чиқаришни такомиллаштириш;

г) турли субъектлар ўртасида қулай ишлаб чиқариш шароитига эса бўлиш, унумлироқ технология, умуман юқори даромад олиш учун олиб бориладиган курашни;

д) меҳнат унумдорлигини оширишни.

6. Ернинг сифатларига қайси бири хос эмас?

а) ер чекланган ресурс, уни меҳнат билан яратиб бўлмайди;

б) ернинг ўрнини ҳеч бир ресурс боса олмайди;

в) ер таклифи ноэластик, яъни ўзгармайдиган бўлади;

г) ер ҳаммабоп ресурс;

д) ер энг кўп даромад манбаи.

7. Иқтисодий ўсишнинг кўлами ва суръатлари ўртасида қандай боғлиқлик бор?

а) иқтисодий ўсиш кўлами ошган сари унинг суръатлари ҳам ўсади;

б) иқтисодий ўсиш кўлами ошса, суръати ўзгармайди;

в) иқтисодий ўсиш кўламининг ортиши суръатининг пасайишга олиб келади;

г) иқтисодий ўсиш кўлами ўзгармас миқдор;

д) иқтисодий ўсиш кўлами ва суръатлари ўзаро боғлиқ эмас.

8. Молия муносабатларининг мавжуд бўлишига умумий асос бўладиган шартни топинг.

а) давлатнинг мавжудлиги;

б) бозор муносабатларига амал қилиниши;

в) маҳсулот қийматининг пулда тақсимланиши;

г) хўжалик алоқаларининг мавжудлиги;

д) мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш зарурати.

9. Ўз эгаси ихтиёрига келиб тушиш шаклига кўра қайси даромад ўринсиз берилган?

а) пул даромади;

б) дивиденд;

в) натура даромади;

г) натура-хизмат шаклидаги даромад;

д) маълум тоифа аҳоли қатламлари учун имтиёзлар.

10. Жаҳон бозорида товар ассортименти қандай тарзда бўлади?

а) жаҳон бозорида инсоният томонидан яратилган барча товарлар сотилади;

б) товар ассортименти чекланган бўлади;

в) жаҳон бозорида фақат сифатли товарлар сотилади;

г) жаҳон бозори янги товарлар билан иш кўради;

д) тайёр маҳсулотлар ва хом-ашё ресурслари жаҳон бозори объекти ҳисобланади.

III. Кластер тузинг: НАРХ

IV. «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида» ги

қонунининг қисқача мазмуни баён этилсин.

V. Масалани ечинг:

Агар ишчи 8 соатлик иш кунида 32 та деталь тайёрлаган бўлса, ҳамда $t = 25\%$ ни ташкил этса, у зарурий иш вақтида қанча деталь ишлаб чиқарган бўлади?

VI. Қиймат формалари қаторини тўлдилинг:

1) оддий ёки тасодифий қиймат шакли; 2).....; 3).....; 4).....;

VII. Қиймати мавжуд бўлмаган жавобнинг тагига чизинг.

Самолёт, кема, телевизор, электр энергияси, музқаймоқ, ер, китоб.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX. Иқтисодий ҳаётнинг устувор тарзда ривожланаётган соҳалари тўғрисидаги фикрингизни билдиринг.

ВАРИАНТ № 20

I. МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.

II. ТЕСТ.

1. Ресурслар камёблиги нимани тақозо этади?

- а) мавжуд воситалардан оқилона фойдаланишни;
- б) ишлаб чиқаришнинг энг зарур соҳаларига устуворлик берилишини;
- в) эҳтиёжларни қондиришнинг оптимал даражаси танлаб олинишини;
- г) ресурсларни турли тармоқлар, регионлар ўртасида тўғри тақсимлашни;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

2. Товар ва товарлашган хизматларнинг нафлиги нима?

- а) уларнинг эҳтиёж учун фойдалилиги;
- б) нархга эга бўлиши;
- в) уларнинг маълум сифатда бўлиши;
- г) уларда истеъмол хусусиятининг мавжудлиги;
- д) уларнинг айирбошлашга лаёқатлиги.

3. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан қайси бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг шарт-шароитларини вужудга келтиради?

- а) мулк муносабатларни ислоҳ қилиш;
- б) бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор инфраструктурасини яратиш;
- в) молия-кредит ва нарх-наво ислоҳоти;
- г) аграр ислоҳот;
- д) «а», «б», «в» ҳамда «г» **жавоб**ларининг барчаси ҳам бозор иқтисодиётига ўтишнинг шарт-шароитини вужудга келтиради.

4. Амортизация қандай жараёни акс эттиради?

- а) асосий капиталнинг жисмоний эскиришини;
- б) асосий капиталнинг маънавий эскиришини;
- в) асосий капиталнинг эскиришига мувофиқ уларнинг маҳсулотга қўйган қийматини пул шаклида ҳисоблаб боришни ва ўрнини қоплаш мақсадида пул фондларини жамғариш жараёнини;
- г) асосий капиталнинг жисмоний ва маънавий эскириш жараёнини;
- д) а), б), в) ва г) **жавоб**ларнинг барчаси.

5. Трансмиллий корпорацияларнинг рақобатлашувида қайси рақобат кучлироқ боради?

- а) эркин рақобат;
- б) нарх бўйича рақобат;
- в) нархсиз рақобат;
- г) тармоқ рақобати;
- д) рақобат юз бермайди

6. Рента нима?

- а) ер эгалигини иқтисодий жиҳатдан амалга оширишнинг шакли;
- б) ердан фойдаланганлик учун унинг эгасига тўланадиган ҳақ;
- в) куриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун ажратилган маблағ;
- г) ер участкасининг нархи;
- д) ер хусусий мулк бўлганлиги учун тўланадиган ҳақ.

7. Иқтисодий ўсишнинг қайси шакли иқтисодиётнинг равон ривожланишини тўлароқ акс эттиради?

- а) экстенсив;
- б) турғунлик;
- в) жонланиш;
- г) юксалиш;
- д) интенсив.

8. Бюджет тақчиллиги қачон вужудга келади?

- а) бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисми тенг бўлганида;
- б) даромадлар харажатлар қисмидан ортиқ бўлганида;
- в) бюджетнинг даромадлари харажатлар қисмидан кам бўлганида;
- г) соф экспорт ижобий бўлганда;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

9. Аҳоли реал даромадининг ўсиши қайси ҳолда рўй беради?

- а) номинал даромад ва нархларнинг ўсиши мутаносиб бўлганида;
- б) номинал даромад нархлардан тез ўсганида;
- в) нархлар номинал даромаддан тез ўсганида;
- г) солиқлар ва мажбурий тўловлар номинал даромаддан тез ўсганида;
- д) истеъмол бозорининг тўйинганлик даражаси пасайганда.

10. Давлатлараро валютани ифода этган жавобни аниқланг.

- а) франк;
- б) рубль;
- в) евро;
- г) сўм;
- д) ҳар бир мамлакатнинг валютаси халқаро алоқаларни йўлга қўйишда кенг ишлатилади.

I. Кластер тузинг: ИШЧИ КУЧИ

II. «Банкротлик тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қисқача мазмуни баён этилсин.

III. Масалани ечинг:

Дурадгор ҳафта давомида 16 та стол ишлаб чиқарар эди ва бу маҳсулотларнинг умумий қиймати 320 минг сўмни ташкил этар эди, Агар шу соҳада меҳнат унумдорлиги 1,5 марта ўсса, ҳар бир стол қанча пулга тушади ?

VI. Бозор инфратузилмасига хос қаторни 7 гачатўлдилинг:

1)биржа;2).....; 3).....; 4).....; 5).....; 6).....; 7).....

VII. Қуйидаги сўзлардан қайси бири бир вақтда ҳам инфляцион жараёнларни ва ҳам ишлаб чиқаришнинг орқага кетишини билдиради? Унинг тагига чизинг. Кризис, девальвация, стагфляция, банкротлик, инфляция, нулификация.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг.

(реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX. Кейинги йилларда устувор шаклда ривожланаётган қандай соҳаларни биласиз? Фикрингизни баён этинг.

ВАРИАНТ № 21

I. МАВЗУ: БОЗОР ТУШУНЧАСИ.

II. ТЕСТ.

1. Иқтисодиётнинг бош масаласи мима?

- а) ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- б) чекланган ресурслардан унумли фойдаланиш ҳисобига ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондиришнинг муқобил йўллари топиш;
- в) истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- г) қишлоқ хўжалигини ривожлантириш;
- д) хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш.

2. Мол-мулк тақдирини мустақил хал қилиш билан боғлиқ:

- а) мулкка эгалик қилиш;
- б) мулкдан фойдаланиш;

- в) мулкни тасарруф этиш;
- г) мулкни ижарага олиш;
- д) ҳар бир тарихий шароитда ўзига хос ҳолда.

3. Бозор муносабатларини ривожлантиришда кимларнинг ҳуқуқлари устун туради?

- а) истеъмолчиларнинг;
- б) ишлаб чиқарувчиларнинг;
- в) чет эллик фуқароларнинг;
- г) бошқарувчи ходимларнинг;
- д) давлатнинг.

4. Даромадлар ўсиши билан талабда қандай ўзгариш содир бўлади?

- а) талаб ҳажми мунтазам ортиб боради;
- б) талаб ҳажми ўзгаришсиз қолади;
- в) турли субъектлар талаби қисқаради;
- г) талаб ва таклиф ҳажмлари тенглашади;
- д) даромадлар ва талаб ўртасида боғлиқлик йўқ.

5. Қуйидагилардан қайси бири корхона учун ташқи харажатлар ҳисобланади?

- а) ишчи кучини ёллаш харажатлари, рента, фоиз тўловлари;
- б) бино ва иншоотлар амортизацияси;
- в) бошқарувчилар маошлари;
- г) меъёргадаги фойда;
- д) машина ва ускуналарни жорий ремонт қилиш харажатлари.

6. Нархнинг шаклланишида қандай меҳнат сарфлари иштирок этади?

- а) ишлаб чиқариш меҳнат сарфлари;
- б) бозор билан боғлиқ сарфлар;
- в) тақсимот билан боғлиқ сарфлар;
- г) истеъмол сарфлари;
- д) товарни ишлаб чиқаришдан тортиб, истеъмолга етгунча бўлган меҳнат сарфлари.

7. Макроиктисодий кўрсаткичлар акс эттирадиган ҳолатларга қайси бири ҳос эмас?

- а) маълум вақт оралиғидаги миллий ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаш;
- б) корхоналар иқтисодий аҳволига баҳо бериш;
- в) миллий иқтисодиётнинг фаолият юритишига бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;
- г) ЯММ ни унинг барча ҳаракат босқичларида кўргазмали акс эттириш;
- д) мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланишнинг мос келишини таҳлил этиб, умумий иқтисодий мувозанатликни аниқлаш.

8. Пул миқдорига таъсир этувчи омиллар қаторига реал банк проценти даражаси ва инфляция суръатларини қайси иқтисодий мактаб вакиллари қиритадилар?

- а) меркантилизм вакиллари;
- б) физиократлар;
- в) кейнсчилар;
- г) монетаристлар;
- д) маржинализм намояндалари.

9. Трансферт тўловлари давлат томонидан қайси мақсадни кўзлаб амалга оширилади?

- а) монополистик фаолиятни чеклаш мақсадида;
- б) моддий ва маънавий неъматларни кўпроқ ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида;
- в) кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш учун;
- г) тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйиш мақсадида;
- д) бюджет камомадини қоплаш йўлида.

10. Қайси жавоб янги Халқаро иқтисодий тартибни ифода этади?

- а) жаҳон миқёсида ихтисослашув жараёнининг кучайиши;
- б) тенгликка асосланган, ўзаро манфаатли ва адолат қоидаларига ҳос бўлган турли мамлакатлар алоқаси;
- в) маҳсулот ва хизматларни яратишда кооперация алоқаларининг юқори даражага чиқиши;

- г) ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон ҳўжалигидаги ўрнининг кучайиши;
д) турли иқтисодий тўсиқларни бартараф этиш билан боғлиқ фаолият.

III. Кластер тузинг: АГРАР МУНОСАБАТЛАР.

IV. «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонун қисқача мазмуни ёритиб берилсин.

V. Масалани ечинг:

Агар йил давомида давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар сони 980 та бўлиб, шундан 902 таси хусусий мулкка айлантирилган бўлса, давлат тасарруфидан чиқаришда хусусийлаштиришнинг фоиздаги улуши қанча бўлади?

VI. 5 та моддий ишлаб чиқариш соҳасини ёзинг: 1)саноат;2).....; 3).....; 4).....; 5).....

VII. Муомала харажати бўлган **жавоб**нинг тагига чизинг:

хом-ашё, ёрдамчи материаллар, иш ҳаки, ижтимоий суғурта ажратмалари, амортизация чегирмалари.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX. Таълим йўналишдаги «Миллий дастур» ни бажаришда сизнинг иштирокингиз қандай бўлаётганини ёритинг.

ВАРИАНТ №22

I. МАВЗУ: БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ ВА УНИНГ РУКНЛАРИ

II. ТЕСТ.

1. Ишлаб чиқарувчи кучларни қайси жавоб тўғри ифодалайди?

- а) янги техника ва технология;
- б) ишлаб чиқариш ресурслари;
- в) ишлаб чиқаришнинг моддий (ишлаб чиқариш воситалари) ва шахсий (ишчи кучи) омиллари мажмуи;
- г) ишлаб чиқариш қувватлари;
- д) моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳалари.

2. Мамлакатнинг миллий мулкани қайси бир жавоб ифода этади?

- а) давлат мулки;
- б) ижтимоий ташкилотлар мулки;
- в) йирик қўшма мулклар;
- г) жамоа корхоналари мулки;
- д) барча мулк шакллари мажмуаси.

3. Бозорбу...

- а) давлат корхоналари ва жамоа корхоналари ўртасидаги муносабатлар;
- б) ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқаларни товар-пул асосида ташкил этишдан иборат муносабатлар йиғиндиси;
- в) фермер ҳўжаликлари ва аҳоли ўртасидаги муносабатлар;
- г) ижарачи ва мулк эгаси ўртасидаги муносабатлар;
- д) бозор - бу товар ва хизматлар сотиладиган жой.

4. Ўқув юртида янги маъруза матнларига талаб ошиб 500 сўмдан 700 сўмга етди; лекин нашриёт фақат қўшимча 20 та маъруза матнини етказиб бера олди. Таклиф аввал 100 дона эди. Таклифнинг эластик ёки ноэластик эканлиги ва унинг даражасини аниқланг.

- а) Эластик, $\epsilon_k=1,5$;
- б) Эластик, $\epsilon_k=1,1$;
- в) Ноэластик, $\epsilon_k=0,5$;
- г) Ноэластик, $\epsilon_k=0,75$;

д) Таклиф ўзгаришсиз қолган.

5. Корхона фойдаси қачон ўзининг энг юқори даражасига етади?

- а) ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилганда;
- б) маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб борганда;
- в) энг охириги маҳсулот баҳоси унга қилинган харажатларга тенг бўлганда;
- г) ресурслар тўлиқ банд қилинганда;
- д) иқтисодий харажатлар тежалганда.

6. Бир фирманинг биринчи бўлиб ўз нархини ўрнатишига нима дейилади?

- а) монопотлашган нарх;
- б) монопсония ҳолати;
- в) нарх белгилангандаги пешқадамлик;
- г) келишилган нархлар;
- д) диверсификацияланган нархлар

7. Миллий даромад қайси тармоқларда яратилади?

- а) қишлоқ хўжалигида;
- б) моддий ишлаб чиқариш тармоқларида;
- в) саноат корхоналарида;
- г) фан-техника соҳаларида;
- д) транспорт корхоналарида.

8. Агар йилига 8-12% атрофида пул қадрсизланиши юз бераётган бўлса, бу ҳолда қандай инфляция мавжуд бўлади?

- а) ўрмаловчи инфляция;
- б) сузиб юрувчи инфляция;
- в) гиперинфляция;
- г) таклиф инфляцияси;
- д) талаб инфляцияси.

9 Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш воситаларидан бири бўлган субсидия мазмунини тўғри акс эттирувчи жавобни аниқланг.

- а) четдан киритилаётган товарлар учун қўйиладиган ҳақ;
- б) давлат бюджетидан тадбиркорларга аниқмақсад йўлида ишлатиш учун бериладиган маблағ;
- в) келажакдаги истеъмолни кўзлаб ажратилган маблағ;
- г) иқтисодий хавф-хатарнинг олдини олиш учун ажратилган пуллар;
- д) корхонанинг ички резервлари.

10. Энг кўзга кўринган жаҳон иқтисодий ташкилотларидан бири бўлган «Европа Иттифоқи» қачон ташкил топган?

- а) 1917 йил;
- б) 1945 йил;
- в) 1958 йил;
- г) 1970 йил;
- д) 1991 йил.

III. Кластер тузинг: ЖАМҒАРИШ

IV. «Товарлар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуннинг қисқача мазмуни баён этилсин.

V. Масалани ечинг:

Агар маълум йил учун бюджет даромадлари 3,9 трлн. сўм ва дефицит 270 млрд. сўм белгиланган бўлса ва амалда эса йил 0,1% профицит билан якунланса, халқ хўжалиги қанча маблағ тежайди?

VI. 5 та номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини акс эттиринг: 1)маориф;

2)

VII. «Ликвидлик» тушунчаси қайси бир жавобга хос йканини белгиланг: Банкнинг ўз маблағларини нақд пулга тезда айлантириш; банкнинг ёпилиши; банка қўйилган пулнинг вақтида қопланиши; пулнинг кўпайиб бориши.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

1X.Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бориши ҳақидаги фикрингизни билдиринг.

ВАРИАНТ 23.

I. МАВЗУ: ТАЛАБ ТУШУНЧАСИ, ҚОНУНИ. ТАЛАБГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.

II.ТЕСТ.

1. «Иқтисодиёт назарияси» предметининг услубини аниқланг?

- а) таҳлил қилиш ва синтез, индукция, дедукция, абстракция;
- б) индукция;
- в) дедукция;
- г) абстракция;
- д) микроскоплар ёрдамида ишлаш.

2. Ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг негизида нималар ётади?

- а) ер ости ва ер усти бойликлари;
- б) мулкка эгалик қилиш;
- в) жамоа мулки;
- г) хусусий мулк;
- д) турли-туман мулк шакллари.

3. Ресурслар бозорининг бошқа бозорларга нисбатан фарқини топинг.

- а) меҳнат махсули бўлмаган воситалар, масалан ернинг айирбошланиши;
- б) олди-сотди этаётган товарлар ўз эгасини албатта ўзгартириши шарт эмас;
- в) айирбошлаш жараёнларининг одатда бевосита ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида бўй бериши;
- г) айирбошлаш объектининг жуда қиммат туриши;
- д) фақат а), б) ва в) **жавоблар тўғри.**

4. Қуйидаги касб эгалари меҳнат махсулидан қай бирига таклиф ўзгарувчан бўлади?

- а) шоирлар меҳнатига;
- б) ёзувчилар меҳнатига;
- в) рассомлар меҳнатига;
- г) дурадгор меҳнатига;
- д) муסיқачилар меҳнатига.

5. Иш ҳақи қайси ҳолда юқори бўлади?

- а) саноат соҳасида иш қилинаётган бўлса;
- б) меҳнат қанчалик юқори унум берса ва у яратган товарлар бозори чаққон бўлса;
- в) бозорда шу соҳа маҳсулотига талаб етарли бўлса;
- г) халқ ҳўжалигининг янги соҳаларида;
- д) солиқлар бўйича имтиёзлар мавжуд бўлса.

6. Нархлар фарқининг миқдорий ифодаси нима деб аталади?

- а) прејскурант нархлар;
- б) нарх диапозони;
- в) яширин нархлар;
- г) нуфузли нархлар;
- д) нарх тизими.

7. Қуйидагилардан қайси бири инвестицияларнинг ички манбаи ҳисобланади?

- а) акцияларни сотишдан олинган маблағлар;
- б) облигация заёмлари; банк кредитлари;
- в) фойда, амортизация ажратмалари;
- г) бюджет маблағлари;
- д) хомийлар маблағлари.

8. Валюта:

- а) миллий доирада амал қилувчи қадр-қиймати шу мамлакат боилиги билан таъминланган пул;

- б) мамлакатнинг олтин захиралари тушунилади;
- в) мамлакатда тўпланган хорижий валюталар тушунилади;
- г) миллий валютанинг бошқа валюталарга алмаша олиш хусусияти тушунилади;
- д) бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган нархи тушунилади.

9. Қайси ҳолларда давлат корхонанинг санациясида қатнашади?

- а) корхона норентабель ишласа;
- б) корхона экспортини қисқартирса;
- в) корхона ишчиларини бўшатса;
- г) рекламани ўзлаштира олмай, товарларни сота билмаса;
- д) кутилмаганда иқтисодий вазият ўзгариб кетса.

10. Валюта курси аниқ белгиланган жавобни топинг?

- а) Халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битими;
- б) бир мамлакат валютасининг нархи;
- в) бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланган нархи;
- г) бошқа мамлакат валютасининг бозорда сотилиши;
- д) а) ва б) **жавоблар тўғри.**

III. Кластер тузинг: БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ.

IV. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг қисқача мазмуни баён этилсин.

V. Масалани ечинг:

Эркаклар кўйлаги ишлаб чиқарадиган автомат линиянинг нархи 12 млн. сўм ва амортизация даври 8 йил бўлса, ҳар йил бир хил даражада амортизация чегирмалари ўтказилаётган ҳолда унинг нормаси қанча бўлади?

VI. Таклифга таъсир этувчи омилларни 6 тагача етказинг:

1)солиқлар;2).....; 3).....; 4).....; 5).....; 6).....

VII. Бозор мувозанатининг қайта тикланишига асос бўлувчи **жавоб**нинг тагига чизинг:

Даромад, талаб, таклиф, харидор диди, нарх, инфляция, бозор бўлаётган кун.

VIII. фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва х.з.)

IX. Иқтисодиётимизнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида нима дея оласиз? Фикрингизни ёритинг.

д) микроскоплар ёрдамида ишлаш.

2. Ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг негизида нималар ётади?

- а) ер ости ва ер усти бойликлари;
- б) мулкка эгалик қилиш;
- в) жамоа мулки;
- г) хусусий мулк;
- д) турли-туман мулк шакллари.

3. Ресурслар бозорининг бошқа бозорларга нисбатан фарқини топинг.

- а) меҳнат махсули бўлмаган воситалар, масалан ернинг айирбошланиши;
- б) олди-сотди этнган товарлар ўз эгасини албатга ўзгартириши шарт эмас;
- в) айирбошлаш жараёнларининг одатда бевосита ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида рўй бериши;
- г) айирбошлаш объектининг жуда қиммат туриши;
- д) фақат а), б) ва в) **жавоблар тўғри.**

4. Қуйидаги касб эгалари меҳнат махсулидан қай бирига таклиф ўзгарувчан бўлади?

- а) шоирлар меҳнатига;
- б) ёзувчилар меҳнатига;
- в) рассомлар меҳнатига;
- г) дурадгор меҳнатига;
- д) муסיқачилар меҳнатига.

5. Иш хақи қайси ҳолда юқори бўлади?

- а) саноат соҳасида иш қилинаётган бўлса;
- б) меҳнат қанчалик юқори унум берса ва у яратган товарлар бозори чаккон бўлса;
- в) бозорда шу соҳа маҳсулотига талаб етарли бўлса;
- г) халқ ҳўжалигининг янги соҳаларида;
- д) солиқлар бўйича имтиёзлар мавжуд бўлса.

6. Нархлар фарқининг миқдорий ифодаси нима деб аталади?

- а) прејскурант нархлар;
- б) нарх диапозони;
- в) яширин нархлар;
- г) нуфузли нархлар; д)нархтизими.

7. Қўйдагилардан қайси бири инвестицияларнинг ички манбаи хисобланади?

- а) акцияларни сотишдан олинган маблағлар;
- б) облигация заёмлари; банк кредитлари;
- в) фойда, амортизация ажратмалари;
- г) бюджет маблағлари;
- д) ҳомийлар маблағлари.

8. Валюта:

- а) миллий доирада амал қилувчи кадр-қиймати шу мамлакат боилиги билан таъминланган пул;
- б) мамлакатнинг олтин захиралари тушунилади;
- в) мамлакатда тўпланган хорижий валюталар тушунилади;
- г) миллий валютанинг бошқа валюталарга алмаша олиш хусусияти тушунилади;
- д) бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган нархи тушунилади.

9. Қайси ҳолларда давлат корхонанинг санақиясида қатнашади?

- а) корхона норентабель ишласа;
- б) корхона экспортини қисқартирса;
- в) корхона ишчиларини бўшатса;
- г) рекламани ўзлаштира олмай, товарларни сота билмаса;
- д) кутилмаганда иқтисодий вазият ўзгариб кетса.

10. Валюта курси аниқ белгиланган жавобни топинг?

- а) Халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битими;
- б) бир мамлакат валютасининг нархи;
- в) бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланган нархи;
- г) бошқа мамлакат валютасининг бозорда сотилиши;
- д) а) ва б) жавоблар тўғри.

III. Кластер тузинг: БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ.

IV. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг қисқача мазмуни баён этилсин.

V. Масалани ечинг:

Эркаклар кўйлаги ишлаб чиқарадиган автомат линиянинг нархи 12 млн. сўм ва амортизация даври 8 йил бўлса, ҳар йил бир хил даражада амортизация чегирмалари ўтказилаётган ҳолда унинг нормаси қанча бўлади?

VI. Таклифга таъсир этувчи омилларни 6 тагача етказинг:

1)солиқлар;2).....; 3).....; 4).....; 5).....; 6).....

VII. Бозор мувозанатининг қайта тикланишига асос бўлувчи жавобнинг тагига чизинг: Даромад, талаб, таклиф, харидор диди, нарх, инфляция, бозор бўлаётган кун.

VIII. фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва х.з.)

IX. Иқтисодиётимизнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида нима дея оласиз? Фикрингизни ёритинг.

ВАРИАНТ 24.

I. МАВЗУ: ТАКЛИФ ТУШУНЧАСИ ВА ТАКЛИФ ҚОНУНИ. ТАКЛИФ ОМИЛЛАРИ.

II. ТЕСТ.

1. «Иқтисодиёт назарияси» фанининг вазифасини аниқланг?

- а) иқтисодиётнинг сир-асрорларини билиб олиш, уларни Халққа етказиш омманинг иқтисодий саводхонлигини ошириш, бошқа иқтисодий фанлар учун илмий-назарий методологик асос бўлиш;
- б) ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- в) жамият ривожланиш қонуниятларини очиб бериш;
- г) иқтисодий муносабатларни ташкил этиш;
- д) аҳолини иш билан таъминлаш.

2. Бозор иқтисодиётига хос бўлмаган тизимни топиб, аниқланг.

- а) капитализм тизими;
- б) социализм тизими;
- в) аралаш тизим;
- г) олди-сотди муносабатлари кенг қўлланилмайдиган тизим;
- д) товар ҳўжалиги тизими.

3. Аввалги йилда (масалан, 2006 й) иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий устивор вазифасини аниқланг.

- а) бозор ислохотларини чуқур лаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлашлатириш;
- б) хусусий сектор жадал ривожланиши; унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш;
- в) кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш;
- г) банк ва молия тизимларидаги ислохотларни чуқурлаштириш;
- д) солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш.

4. Бозорда талаб ва таклиф мувозанатининг қайтадан тикланиб туришига қайси ҳолат асос бўлади?

- а) нархларнинг ўзгариши;
- б) ишлаб чиқаришнинг кенгайиши;
- в) ишлаб чиқаришнинг қисқариши;
- г) нарх ва ишлаб чиқариш хажмининг ўзгариши;
- д) талаб ва таклиф мувозанати ўзгаришсиз қолади.

5. Мехнат муносабатлари қандай иқтисодий муносабатларни ифодалайди?

- а) ер эгаси ва ерни ижарага олувчи ўртасидаги муносабатларни;
- б) турли субъектлар ўртасидаги рақобатчилик ҳолатларини;
- в) меҳнат фаолияти бўйича турли субъектлар ўртасидаги муносабатларни;
- г) корхона ва у билан ишловчи юридик шахслар ўртасидаги олди-сотди муносабатларини;
- д) касаба уюшмалари ва улар аъзолари ўртасидаги муносабатларни.

6. Харидор даромади бир йилда 50 000 сўмдан 70 000 сўмга ошди ёки даромад 40% ортди. Эркалар қўйлаги 2500 сўмдан 4000 сўмга ёки 60% ўсди. Қўйлак харид этиш аввалгига нисбатан арзонлашди ёки қимматлашди?

- а) 1500 сўмга қимматлашди;
- б) 5% қимматлашди;
- в) фақат 0,7% га қимматлашди, ҳолос;
- г) қўйлак 10% арзонроқ харид этилади;
- д) умуман олганда, нархда катта ўзгариш бўлсада, у қимматлашмади.

7. Қўйидаги тенгликлардан қайси бири тўғри?

- а) ЯММ - соф экспорт = СММ;
- б) ЯММ - амортизация = СММ;
- в) ЯММ - эгри солиқлар = СММ;
- г) ЯММ - жорий моддий харажатлар = СММ;
- д) ЯММ - тўғри солиқлар = СММ.

8. Электрон пул - бу :

- а) қуйма шаклидаги пул;
- б) «кредит карточкаси» шаклидаги пул;
- в) «танга» шаклидаги пул;
- г) банкнот шаклидаги пул;
- д) «чек» шаклидаги пул.

9. Субсидия берилади...

- а) ялпи миллий маҳсулотдан;
- б) соф миллий маҳсулотдан;
- в) жамғариш фондидан;
- г) истеъмол фондидан;
- д) давлат бюджетидан.

10. Реимпорт нима?

- а) чет эллик мижозлардан товарлар сотиб олиш;
- б) истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарларни сотиб олиш;
- в) товарларни чет эллик мижозларга сотиш;
- г) қандайдир мамлакат товарларини сотиб олиш;
- Д) товарлар ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш.

III. Кластер тузинг: ТАДБИРКОРЛИК

IV. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятнинг иқтисодий негизи ҳақидаги моддалари мазмуни баён этилсин.

V- Масалани ечинг: Ссуда фоизи 4% бўлган ҳолда қарзга 3 млн. сўм тўланаётган бўлса, олинган қарз миқдори қанча бўлади?

VI. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омилларидан 6 тасини ёзинг: 1) меҳнат унумдорлигининг ўсиши; 2).....; 3).....; 4)

VII. Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ўртасидаги чуқур номутоносибликни ифода этувчи **жавоб** тагига чизинг:

Иқтисодий инқироз, таркибий инқироз, аграр инқироз, давомли инқироз..

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX. Иқтисодиётимизнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида нима дея оласиз? Фикрингизни баён этинг.

ВАРИАНТ 25

I. МАВЗУ: ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ.

II. ТЕСТ

1. Ишлаб чиқариш муносабатлари нима?

- а) ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик муносабатлари;
- б) ишлаб чиқариш жараёнидаги алмашув муносабатлари;
- в) ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлаш ва истеъмол қилиш шакллари йиғиндиси;
- г) ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси;
- д) кишилар ўртасидаги умуминсоний муносабатлар.

2. Мулкий муносабатларнинг демократлашувига мос келувчи жавоб ни топинг.

- а) турли мулк шакллариининг юзага келиши;
- б) давлат мулки ҳиссасининг қисқариши;
- в) кўпчиликнинг мулк соҳибига айланиши;
- г) мулкчиликнинг ҳуқуқий асосларини тўла ишлаб чиқиш;
- д) мулкни тежамкорлик билан ишлатиш.

3. Қайси бир жавоб тўғри эканлигини аниқланг.

- а) бозор қатнашчилари фақат харид қилиш билан шуғулланадилар;
- б) бозор субъектлари олди-сотдига товар ва хизматлар етказиб берадилар;
- в) уй хўжаликлари, фирмалар ва давлат зарур ҳолда бозор алоқаларига киришадилар;
- г) бозор иштирокчилари бозорда ҳам харидор ва ҳам ресурс эгаси сифатида иш кўрадилар;
- д) бозор алоқалари инсон ҳаётида катта ўрин тутмайди.

4. Талаб ва таклиф зғри чизиқларининг кесишиш нуқтаси нимани кўрсатади?

- а) талабнинг эгилувчанлигини;
- б) талабнинг юксак даражасини;
- в) таклиф зонасини;
- г) бозор нархини;
- д) таклифнинг талабдан кўплигини.

5 Хўжалик юритувчи субъект қайси ҳолда энг кўп фойда олади?

- а) ишлатилаётган ресурс сарфларини қисқартирганда;
- б) ишлаб чиқариш ҳажмини оширганда;
- в) ишлаб чиқариш қувватлари тўла ишга солинганда;
- г) сарф - харажатлар минималлашиб, энг кўп фойда берадиган фаолият билан шуғулланилганда;
- д) сифатли маҳсулотлар кўплаб ишлаб чиқарилганда.

6. Қайси ҳолда истеъмолчилик руҳияти ҳисобга олинган бўлади?

- а) стандарт нархлар қўлланилганда;
- б) нарх сўм ва тийинларга кадар аниққўйилганда;
- в) преysкуронт нархлар ишлатилганда;
- г) шартнома нархлари қўлланилганда;
- д) ҳар қандай ҳолда истеъмолчилик руҳияти эътиборга олинади.

7. ЯММ дан амортизация кинмати айириб ташланса, қайси кўрсаткич ҳосил бўлади?

- а) миллий даромад;
- б) ялпи ички маҳсулот;
- в) жами ижтимоий маҳсулот;
- г) соф миллий маҳсулот;
- д) шахсий даромад.

8. Расмий маълумотларга кўра Ўзбекистонда 2006 йил инфляция даражаси неча фоизни ташкил этди?

- а) 6,8%;
- б) 7,6%;**
- в) 12%;
- г) 12,5%;
- Д) 15%.**

9. Жавоблардан қайси бири давлат томонидан ҳал этилмайдиган вазифани ифода этади?

- а) давлат тассаруфида бўлган корхоналарнинг фаолиятини бошқариш; о) ишлаб чиқаришга қандай ресурсларни жалб қилишни ҳал этиш;
- в) макроиктисодий ўсишни режалаштириш ва прогнозлаш;
- г) монетар сиёсатни олиб бориш; Д) ижтимоий сиёсат юритиш.

Ҳалқаро иқтисодий интеграция мазмунини ифодалайдиган ^{жавоб} ни аниқланг.
ехника инқилоби асосида Ҳалқаро меҳнат тақсимотининг кучайиши;

736) миллий бозорлар ва мамлакатлар миллий хўжаликлари ўратасидаги узвий боғлиқлик, ҳамжихат ривожланишни таъминлаш, ресурсларнинг эркин ҳаракат қилиши, ягона умумий бозорни ташкил қилиш учун бирлаштириш:

в) биргаликда умумий бозорни шакллантириш;

г) турли хил тўсиқлар бартараф этилган ҳудуд;

д) жаҳон мамлакатлари иқтисодий иттифоқи.

III. Кластер тузинг: ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ.

IV. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қисқача шарҳи берилсин.

V. Масалани ечинг.

Номинал миллий маҳсулот 120 млрд. доллар ва базис йилдаги миллий маҳсулот 95 млрд. доллар бўлса, нарх индексини ҳисобланг.

VI. Ер сифатини 4 тага тўлдириш:

1) ер чекланган ресурс; 2).....; 3).....; 4).....

VII. Амал қилиш характери бўйича тўғри келадиган бозорни белгиланг: Ички бозор, ташқи бозор, ҳудудий бозор, тўйинган бозор, режали бозор, валюта бозори, ресурслар бозори.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX. Халқ хўжалигимизнинг охириги йилда эришган ютуқлари ва бу йил олдида турган вазифалари ҳақида биланларингизни баён этинг...

ВАРИАНТ 26.

I. МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ХАРАЖАТЛАР ТУШУНЧАСИ. ХАРАЖАТЛАР ТАРКИБИ.

II. ТЕСТ.

1. Мустақиллик йиллари «Иқтисодиёт назарияси» куйидаги қайси фикр-қараш билан бойида?

а) ресурсларнинг чекланганлик ғояси;

б) ишлаб чиқариш қучларини самарали тақсимлаш ғояси;

в) иқтисодий устуворлик ғояси;

г) аҳолини ижтимоий ҳимоялаш;

д) ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларни кенг равишда бунёд этиш. 2. Ўзбекистон Республикасининг "Мулкчилик тўғрисида"ги қонуни

қачон биринчи марта қабул қилинган, неча бўлим ва моддадан иборат?

а) 1989 йил 20 октябрь 5 бўлим, 30 модда.

б) 1990 йил 31 октябрь 7 бўлим, 40 модда.

в) 1992 йил 8 ноябрь 3 бўлим, 25 модда.

г) 1991 йил 2 сентябрь 8 бўлим, 50 модда.

д) 1997 йил 7 май 7 бўлим, 37 модда. »

74

3 Бозор инфратузилмаси нима?

а) Бозорларнинг нормал амал қилинишини таъминлайдиган муассасалар, ^а ташкилотлар ва хизматлар мажмуаси;

б) улгуржи ва чакана савдога хизмат қилувчи шахобчалар;

в) Халқ хўжалиги соҳалари мажмуаси;

г) маълум шартлар асосида бозорларни таҳлил этиб берувчи муассаса;

д) бозорни тўғри йўлга қўйиш учун чиқарилган йўриқнома.

4 Агар бозорда талаб тақлифдан анча ошиқ бўлса, у холда...

а) бозор мувозанати юзага келади;

б) бозорда мўл-кўллик мужассам бўлади;

в) бозорда тақчиллик мавжуд бўлади;

г) бозор конъюктураси шаклланади;

д) ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди.

5. Касаба уюшмалар томонидан ишчи кучига бўлган талабни ошириш қайси йўллар билан олиб борилади?

а) ишчи кучи тақлифини қисқартириш;

б) ишлаб чиқарилган маҳсулотга талабни ошириш;

в) меҳнат унумдорлигини ошириш;
г) ишчи кучи билан бирга фойдаланиладиган бошқа ишлаб чиқариш омиллари нархларини ўзгартириш;

д) б), в) ва г) **жавоб**ларгина тўғри.

6. Давлатнинг нархларга аралашуви қайси **жавоб**да ўз ифодасини топган?

а) нархларни жиловлаш;

б) нархларнинг юқори ва қуйи чегараларини белгилаш;

в) нархларни дотациялаш;

г) нархларни лимитлаш ва дотациялаш;

д) нарх сиёсатини юритиш.

7. Миллий даромаднинг жамият аъзолари моддий ва маънавий эҳтиёжларини ҳамда умумжамят эҳтиёжларини қондиришга сарфланадиган қисми нима деб аталади?

а) ишлаб чиқарилган миллий даромад; б) фойдаланилган миллий даромад;

в) истеъмол фонди;

г) жамғариш фонди; Д) амортизация фонди.

>зирги замон назарияларига асосан пулнинг вазифаларини аниқланг?

вазифасини бажаради; воситаси ва жамғариш воситасини бажаради;

ажаради; Н "У"ли вазифасини бажаради;

75д) хазина тўплаш вазифасини бажаради.

9. Иқтисодий барқарорлаштириш — бу:

а) бузилган макроикхисодий мувозанатни тиклаш;

б) тўлов балансини бир меъёрга саклаш;

в) ишлаб чиқариш ҳажмини ва бандликни табиий даражада тутиб туриш;

г) инфляцияни жиловлаш ва моддий пул мутаносиблигини таъминлаш;

д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

10. Ўзбекистон нинг жаҳон амжамиятига интеграцияланиш жарғим қандай асосда юзага чиқади?

а) икки томонлама манфаатдорлик асосида;

б) кун томонлама манфаатдорлик негизида;

в) очик типдаги иқтисодий ўтиш асосида;

г) ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш негизида;

д) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг устуворлиги асосида.

III. Кластер тузинг: БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИ.

IV. «Қорхоналар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий мазмунини талкин этилсин.

V. Масалани ечинг:

Агар миллий маҳсулот қиймати 6,2 млрд. долларлик бўлиб, ундан амортизация ажратмаси 0,3 млрд. долл; зарурий ва қўшимча маҳсулот қийматлари ҳар бири 0,35 млрд. долл. дан иборат бўлса, у ҳолда ишлаб чиқариш воситалари қиймати (С) неча долларлик бўлади?

VI. Нарх турларидан 10 таси номини ёзинг:

1) шартнома нархи; 2).....; 3).....; 4).....; 5).....; 6).....;

7).....;8).....;9).....;10).....

VII. Маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатларнинг пулдаги ифодасининг тагига чизинг.

Нарх, таннарх, қиймат, фойда, асосий капитал, иш ҳақи, рентабеллик.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳл.)

IX. Иқтисодий ҳаётнинг ривожланишидаги ютуқлар, муаммолар ҳақидаги фикрингизни билдиринг.

ВАРИАНТ 27.

I. МАВЗУ: ТАДБИРКОРЛИК ДАРОМАДЛАРИ ВА ФОЙДА.

II. ТЕСТ.

I. Қуйидаги қонунлардан қайси бири умумий иқтисодий қонунлар жумласига киради?

- а) қиймат қонуни;
- б) талаб қонуни;

76

- в) таклиф қонуни;
- г) эҳтиёжларнинг юксалиб бориш қонуни;
- д) пул муомаласи қонуни.

2 Қайси бири аралаш иқтисодиётга хос эмас?

- а) мукамал техника ва технологияга асосланган иқтисодиёт;
- б) даромадлар ишлаб чиқаришда тақсимланиб, юқори иш ҳаки бериладиган Иқтисодиёт;
- в) манфаатлар уйғунлашадиган иқтисодиёт;
- г) миллий бойлик таркибида аҳоли мол-мулки ҳиссаси камайиб борадиган иқтисодиёт;
- д) юксак самарага эга иқтисодиёт.

3. Айирбошлаш миқёси жихатидан бозор бўлинади...

- а) истеъмол товарлари ва хизматлар бозори;
- б) маҳаллий, миллий, ҳудудий ва жаҳон бозорлари;
- в) тартибсиз, режали ва тартибга солиб туриладиган бозор;
- г) маҳаллий бозор ҳамда ресурслар бозори;
- д) олди-сотди юз берувчи ҳар қандай бозор.

4. Бошқа товарларнинг истеъмоли ўзгармасдан қолган ҳолда бирон-бир товар ва хизматга эҳтиёж тўйиниб бориши билан бу неъматнинг кейинги бирлигини истеъмол қилишдан қониқиш пасайиши қайси қонунга мансуб?

- а) талаб қонунига;
- б) таклиф қонунига;
- в) меъёрий нафликнинг пасайиб бориш қонунига;
- г) жамғариш қонунига;
- д) эҳтиёжларнинг юксалиш қонунига.

5. Корхонада ойига 1500 дона махсулот ишлаб чиқарилади. Махсулот бирлигининг баҳоси 350 сўм, ишлаб чиқариш харажатлари 260 сўм бўлса, корхонанинг ялпи фойдаси неча сўмни ташкил қилади?

- а) 245000; б) 275000;
- в) 225000;
- г) 190000; д) 135000.

6. Диверсификациялашган нархлар нимани акс эттиради?

- а) харидорни инобатга олиб табакалаштирилган нархлар;
- б) энг паст нархлар;
- в) энг юқори нархлар;
- харидор маъкул кўрадиган нархлар;
- «) мунтазам

7. Қўйида келтирилган жавоблар дан қайси бири соф инвестицияга мос келади?

- а) турли хўжалик юритувчи субъектларнинг авансланган барча маблағлари;
- б) ишлаб чиқариш соҳасида истеъмол этиш учун ажратилган маблағлар;
- в) чет эллардан ишлаб чиқаришни ўстириш учун киритилган маблағлар;
- г) инвестицияларнинг моддий ресурсларни ўстириш, уларни жамғариш учун ишлатиладиган қисми;
- д) аввалги йилга нисбатан инвестицияларнинг ўсиши.

8. Миллий валютаимиз-ўзбек сўми қачон муомалага киритилган?

- а) 1992 йил 8 декабрдан;
- б) 1993 йил 2 мартдан;
- в) 1994 йил 1 январдан;
- г) 1994 йил 1 июлдан;
- д) 1995 йил 1 сентябрдан.

9. Давлат кредитга бўлган талаб ва таклифни қайси йўл билан амалга оширади?

- а) марказий резерв тизими орқали;

- б) марказий резерв тизими орқали фоиз ставкаларини ўзгартириш орқали;
- в) хазина мажбуриятларини тарқатиш орқали;
- г) антиинфляцион тадбирларни амалга ошириш орқали;
- д) фақат а), б) ва в) **жавоблар тўғри.**

10. Жаҳон инфратузилмасини қайси жавоб аниққўрсатади?

- а) Халқаро савдонинг сифат жиҳатидаи янги босқичга кўтарилиши;
- б) товарларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш масалаларининг дунё миқёсида келишиб олиниши;
- в) халқаро инвестициялар оқимининг таъминланиши;
- г) халқаро хўжалик алоқаларини самарали ташкил этишга имкон берувчи турли хил корхона, ташкилот ва муассасалар мажмуаси;
- д) тўғри **жавоб** берилмаган.

НГ. Кластер тузинг: РЕНТА.

IV. «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуннинг мокияти ёритиб берилсин.

V. Масалани ечинг.

Ишлаб чиқарувчи, улгуржи савдо билан шуғулланувчи ҳамда чакана савдо қилувчи фирмалар биргаликда иш қилаяптилар. Агар ишлаб чиқариш харажатлари 500 сўм ва молни истеъмолчига етказиб беришга кетган сарфлар 150 сўмни ва ўртача фойда ҳар бир иштирокчи учун тўла таннархнинг 10 % и миқдорида бўлса, маҳсулот бозорда қанча туради?

VI. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган иқтисодиётга оид глобал (оламшумул) муаммолар қаторини 5 тагачатўлдилинг: ^

1) табиий ресурсларнинг камайиб бориш муаммоси; 2).....;

78

3).....И).....;5)-г-

VII Эмиссия ҳуқуқига эга банкни аниқланг:

Асака банк, Халқ банки, Тадбиркор банк, Ипотека банк, Марказий банк, Хусусий банклар.

VIII Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва қ.з.)

IX Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар қандай натижа бераётганини изохланг.

ВАРИАНТ 28.

I МАВЗУ: РАҚОБАТНИНГ МОҲИЯТИ, ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ.

II. ТЕСТ.

1. Иқтисодий қонунлар деб қандай қонунларга айтилади?

- а) иқтисодий қонунлар бу ишлаб чиқариш муносабатлари тизимида юзага келадиган муносабатлар;
- б) ишлаб чиқариш муносабатлари тизимида мавжуд, барқарор ва такрорланиб турадиган сабаб-оқибат алоқалари йиғиндиси;
- в) хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар йиғиндиси;
- г) хўжалик юритувчи субъектлар, юридик шахслар, иқтисодий алоқалар йиғиндиси;
- д) қонун чиқарувчи органлар томонидан қабул қилинган **ҳуқукий** қонунлар.

2. Хусусийлаштиришни ифода этувчи жавоб ни белгиланг.

- а) мулкдорлик ҳуқуқининг давлат кўлида сақланиб қолиши;
- б) мулкка эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтнши;
- в) давлат мулки ҳисобидан турли хил мулкчиликни яратиш;
- г) ижарага мулк берилиши;
- д) мулкдан самарали фойдаланиш.

3. Бозор вазифаси нотўғри ифодаланган жавоб ни топинг.

- а) бозорнинг тўйиниш ҳолатини аниқлаш вазифаси;
- б) ишлаб чиқариш ва истеъмолни боғлаш вазифаси;
- в) иқтисодиётни тартиблаш вазифаси;
- г) мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни ўрнатиш вазифаси;

Д) қийматни товар шаклидан пул шаклига айлантириш вазифаси.

• Қуйидаги омиллардан қайси бири алохида товарлар таклифига ўз таъсирини кўрсатмайди?

а) нархлар;

б) ишлаб чиқариш харажатлари даражаси;

в) технология;

г) ресурслар унумдорлиги; Д) истеъмолчилар сони.

745. Қайси холда банкротлик кп беради?

а) фирма жуда катта миқдорларда маҳсулот ишлаб чиқарганда;

б) корхона маҳсулоти замон талабларидан орқада қола бошлаганда;

в) фирманинг қарзлари ўз мол-мулки миқдоридан ошиб кетганда;

г) олинган қарзлар муддати етиб келганда;

д) жамиятда рақобатчилик муқити кучайганда.

6. Қуйидаги иборалардан қайси бири тўғри?

а) агар талаб таклифдан устун бўлса нарх пасаяди;

б) таклиф талабдан устун бўлса нарх ошади;

в) нафлик қанчалик юқори бўлса, шунчалик нарх паст;

г) нафлик қанчалик юқори бўлса, шунчалик нарх ҳам юқори бўлади;

д) нарх даражаси рақобатчилар сонига боғлиқ эмас.

7. Миллий даромаднинг ахоли манфаати учун бевосита сарфланадиган қисми...

а) амортизация фонди;

б) жамғариш фонди;

в) истеъмол фонди;

г) иш ҳақи фонди;

д) нафақа фонди.

8. Ипф НИ111Н натижасида кимлар ютади?

а) банкдан кам процентли 0,2 млн. сўм ссуда олган ўқитувчи;

б) халқ банкига инфляция қисман индексация қилинишини эътиборга олиб 0,2 млн. сўм кўйган муҳандис;

в) 30 минг пенсия оладиган пенсионер;

г) кариндошига процентсиз 0,3 млн. сўм қарз берган шифокор;

д) 80 минг сўм маош оладиган амалдор.

9. Бозор иқтисодиётини тартибга солишнинг маъмурий усуллари жумласига қирадиганини топинг.

а) бозорда яққа ҳукмронликқа қарши қўлланиладиган усуллар, яъни тегишли чоралар қабул қилиш;

б) табиатни сақлаш мақсадида маълум тақиқлашларни қўллаш;

в) миллий стандартларни ишлаб чиқиш йўли билан иқтисодиётга аралашиш;

г) иш ҳақининг минимал (энг паст) даражасини белгилаш;

д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

10. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви нимани билдиради?

а) кўплаб турли қўшма корхона очишни;

б) хдр хил мамлакатлар миллий Иқтисодиётининг бир-бирига яқинлашувини;

в) маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш ва умумий дастурларни амалга оширишда турли мамлакатлар хўжалик объектларининг биргаликда иш кўришини;

г) трансмиллий корпорациялар фаолият доирасининг кенгайишини;

д) жаҳон миқёсида ресурслардан самарали фойдаланишни. V*

80

III.Кластертузинг:КРЕДИТ

IV «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида» ги қонуннинг мазмуни ёритиб берилсин.

V Масалани ечинг:

Агар 1-йили олинган даромад 50 000 сўм бўлиб, унинг 30 000 сўми истеъмолга кетаётган бўлса ва бу кўрсаткичлар 2-йил мос равишда 60 000 ва 35000 сўм бўлса, истеъмолга ўртача мойиллик ва жамғармага қўшилган мойиллик иккинчи йил учун ҳисоблансин.

VI. Бозор иқтисодиётига ўтиш андозаларидан 5 тасини ёзинг:

1) бозорга ўтишнинг «Хитой йўли»; 2).....; 3).....; 4).....; 5).....

VII. Ишсизлик даражасининг ортиши ва ЯММ ҳажми ўртасидаги боғлиқликни қайси бир жавоб ифода этишини белгиланг: «Клейтон» қонуни, «Шерман» қонуни, Лоренц эгри чизиғи, «Оукен» қонуни, нуфус қонуни.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX. «Қадрлар тайерлаш Миллий дастур» ни бажаришда сизнинг иштирокингиз қандай бўлаётганини бритинг.

ВАРИАНТ 29.

I. МАВЗУ: НАРХНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТУРЛАРИ.

II. ТЕСТ.

1. Иқтисодий қонунларнинг объективлиги деганда нимани тушунаси?

- а) иқтисодий ходиса ва жараёнларнинг кўпчилиққа дахлдор эканлигини;
- б) иқтисодий қонунларнинг ҳар бир иқтисодий тизимда мавжудлиги;
- в) уларнинг инсон хоҳиш-иродасига боғлиқ эмаслигини;
- г) иқтисодий қонунларнинг изчил амал қилишини;
- д) иқтисодий қонунлар объектив характер касб этмайди.

2. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан кўзланган асосий мақсад:

- а) ислохотларни амалга ошириш учун маблағлар топиш;
- б) аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш;
- в) давлатга тушаётган иқтисодий юкни енгиллаштириш;
- г) мулкчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган давлатнинг монопол ҳукмронлигига чек қўйиб, тадбиркорлик фаолиятига кенг ишроқ очиб бериш ва ҳақиқий мулкдорлар синфини шакиллантириш;
- д) мулкчиликка кўпчилик эътиборини кучайтириш.

3. Қўйиладиган саволларга қўйиладиган жавоблар билан боғлиқ жавобни топинг.

- а) ҳақдорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши билан боғлиқ жавобни топинг.
- б) муаънафий ва сертификатлар олди-сотдисини йўлга қўйиш;
- в) янги иш бозор йўналишида иқтисослашган савдони юритиш;
- г) хизмларни топиш, уларни сотиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга

81г) воситачилик қилиш;

д) кўп фойда келтирадиган ҳар қандай иш билан шуғулланиш.

4. Истеъмолчи сотиб олиш мумкин бўлган товарлар миқдорига қуйидагилардан қайси бири таъсир кўрсатмайди?

- а) нархлар;
- б) истеъмолчининг пул даромадлари;
- в) истеъмолчи диди;
- г) бозордаги сотувчилар сони;
- д) даромадлар ва нархлар ўзгаришининг кутилиши.

5. Корхонаниш соф фойдаси 200 минг сўм, ишлаб чиқариш харажатлари 800 минг сўм бўлганда, фойда нормаси қандай миқдорни ташкил қилади?

- а) 35 %;
- б) 50 %;
- в) 25 %;
- г) 40 %; Д) 215%;

6. Харидорнинг товар танлашдан иборат иши қайси мақсадга йўналтирилади?

- а) энг арзон товарларни харид қилишга қаратилади;
- б) энг сифатли товарларни сотиб олишга қаратилади;
- в) унинг харид қобилияти доирасида энг нафли молларни топишга интилишини билдиради;
- г) энг якин жойдаги молларни харид қилишга қаратилади;

д) чет эл молларини топишга қаратилади.

7. Инвестиция сарфлари нима учун зарур?

- а) қўшма корхоналар ташкил қилиш учун;
- б) ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун;
- в) техника - технология олиш учун;
- г) йирик қурилишлар қилиш учун;
- д) ҳар бир **жавоб** тўғри.

8. Валюта конвертациясини қайси жавоб тўғри ифодалайди?

- а) миллий валюта курсининг давлат томонидан қисман пасайтирилиши;
- б) валюта курсининг юқорига қараб ўзгариши;
- в) миллий валютанинг бошқа валюталарга бемалол алмаша олиши;
- г) валюта курсининг мунтазам тарзда қдтвий валюталарга боғлаб қўйилиши;
- д) миллий доирада амал қилувчи ва кадр - қиймати шу мамлакат бойлиги билан таъминланадиган пул.

исодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий " усуллариға қайси бири хос эмас?

- а) қонун чиқариш;
- б) солиқ солиш;
- в) кредитга таъсир этиш;
- г) айрим фаолият турларини чеклаш; д) молиявий санацияларни қўллаш.

10 Трансмиллий корпорацияға берилган тўғри жавоб ни топинг.

- а) турли хил тадбиркорлик билан шуғулланувчи компания;
- б) мамлакатлараро капитал чиқариш, бир-бирига қарз бериш билан шуғулланувчи компаниялар;
- в) дунёнинг турли хил мамлакатларида фаолият юритувчи компаниялар;
- г) чет элда завод-фабрикалар қуриб берадиган компаниялар;
- д) тўғри **жавоб** йўқ-

III. Кластер тузинг: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

IV. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қисқача мазмуни ёритилсин.

V. Масалани ечинг:

Агар олинган 60000 сўм даромаднинг 27 минг сўми жамғармага қўйилса, жамғармага ўртача мойиллик неча фоизни ташкил этади?

VI. Халқаро иқтисодий алоқаларда амал қилувчи тамойиллар қаторини тўлдиринг. Жавоблар 5 та бўлсин.

1)ўзаро манфаатдорлик; 2).....; 3).....; 4).....; 5).....

VII. Белгилаб олинган давр ичида ўзгармайдиган нархни белгиланг:

Чакана нарх, улгуржи нарх, демпинг нарх, шартнома нархи, нуфузли нарх, лимит нарх.

VIII. Фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш, масала ва кроссвордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва \.з.)

IX. Иқтисодиётимиз истиқболлари тўғрисидаги фикрингизни билдиринг.

ВАРИАНТ 30

I. МАВЗУ: АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЗОР

ТИЗИМИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ. Н. ТЕСТ. • «Иқтисодиёт назарияси» нинг категорияларини топинг?

- товар, пул, нарх, ишлаб чиқариш, миллий даромад, миллий маҳсулот, инфляция, рента;
- б) масса, тезлик, тезланиш;
- в) оксидлар, тузлар, кислоталар
- г) энергия, ёқилғи, газ, нефть
- д) онг, материя, тафаккур

2. Қуйида номи зикр этилган жамиятларнинг қайси бири аҳоли учун энг қулай турмуш шароитларини ҳозирлай олади?

- а) анъанавий жамият;
- б) индустриал жамият;
- в) янги турмуш сифати бор жамият;

- г) ўткинчи жамият;
- д) оммавий истеъмом жамияти.

3. Амал қилиш характериға кўра бозорларнинг бўлинишини топинг.

- а) истеъмом буюмлари, ресурслар ва қимматбаҳр қоғозлар бозори;
- б) маҳаллий, миллий, худудий ва жаҳон бозорлари;
- в) тартибсиз, режали ва тартибга солинадиган бозорлар;
- г) ички ва ташқи бозорлар;
- д) амал қилиш характериға кўра бозорлар бўлинмайди.

4. Даромаднинг ўзгариши билан талаб тўғри мутаносибликда ўзгарадиган товарлар қандай деб аталади?

- а) паст тоифадаги товарлар;
- б) олий тоифадаги товарлар;
- в) биринчи ҳаётий эҳтиёж товарлари;
- г) даромадга хос товарлар;
- д) кенг халқ истеъмом товарлари.

5. Реал иш ҳақининг тўғри таърифини аниқланг?

- а) пул шаклида олинган иш ҳақи;
- б) иш ҳақининг пул шаклида катъий белгиланган ставкаси;
- в) номинал иш ҳақиға сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори;
- г) пул ва натура шаклида олинган иш ҳақи;
- д) номинал иш ҳақи хар бир сўмининг сотиб олиш лаёқати

6. Нарх стратегиясининг таркибий мақсадларини аниқланг.

- а) товар сотишни кўпайтириш;
- б) фойдани кўпроқ олиш;
- в) ўз мавқеини мустаҳкамлаш;
- г) янги товарларни ишлаб чиқариш;
- д) а), б) ва в) жавоблар.

7. Ялпи инвестициялар амортизациядан ортиқ бўлса иқтисодиёт қандай тараққист босқичида бўлади?

- а) Иқтисодиёт юксалиш босқичида бўлади,
- б) турғун Иқтисодиёт ҳукм суради:
- в) Иқтисодиёт ночор аҳволда бўлади:
- г) ялпи инвестицияларнинг амортизациядан ортиқ ёки кам бўлиши иқтисодиётга таъсир этмайди:
- д) ялпи инвестициялар тараққиёт учун замин тайёрлайди.

8. Миллий валютанинг курси 1 долл = 1100 сўмдан 1 долл = 800 сўмга "згарди. Бу миллий валюта курсининг ўзгариши иқтисодий фанда қандай номланади?

- а) Девальвация;
- б) Ревальвация;
- в) Нулификация;
- г) Конвертация;
- д) Диверфикация.

9. Давлатнинг ижтимоий сиёсатиға хос бўлмаган қаторни аниқланг.

- а) аҳоли даромадларини индексация қилиш;
- б) давлатнинг малакали иш кучини тайёрлашда қатнашиши;
- в) ишсизликни қисқартириш;
- г) иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш;
- д) ижтимоий химояни йўлга қўйиш.

10. Ишчи кучининг Халқаро миграцияси аниқ берилган жавоб ни топинг?

- а) ишчи кучининг бир мамлакатдан доимий яшаш учун кўчиб кетиши;
- б) ишчи кучининг айнан шу мамлакатда доимий яшаш учун кириб келиши;
- в) давлатлараро ишчи кучи алмашуви;
- г) меҳнат ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминланиш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтиши;

д) тўғри жавоб йўқ.

III. Кластер тузинг: ИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИК.

IV. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуннинг қисқача мазмуни баён этилсин.

V. Масалани ечинг:

Агар мамлакатда кейинги 3 йил ичида пул даромади 4 марта ошган ва нарх-наво 3,4 марта ўсган бўлса, аҳоли реал даромади неча фоиз кўпайган?

VI. Аралаш иқтисодиётга хос белгилардан 5 тасини ёзинг:

1) манфаатлар уйғунлашадиган иқтисодиёт; 2).....; 3).....; 4)....; 5).....

VII «Хўжалик суди» қайси бир қонуннинг муҳим таянч ибораларидан бири ҳисобланади?

«Қорхоналар тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги.

VIII.фан йўналиши бўйича мустақил ижодий ишни бажаринг (реферат ёзиш,масала ва қаровордлар тузиш, янги маълумотлар йиғиш ва ҳ.з.)

IX .кейинги йилларда устувор тарзда ривожланаётган қандай соҳаларни биласиз? Фикрингизни билдиринг.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Г «Ўзбекистон» 1992 йил.
- 2 Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Ўзбекистон Республикасида " мулкчилик тўғрисида» Т. «Ўзбекистон» 1992 йил.
- 3 ўзбекистонРеспубликасинингҚонуни.«Ўзбекистон Республикасида ' „стеъмолчиларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида» Т «Ўзбекистон» 1996 йил.
- 4 ЎзбекистонРеспубликасинингҚонуни.«Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» Т.: «Адолат» 1994 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик-нинг кафолатлари тўғрисида». Т.: 1999 й^ 6 Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Ўзбекистон Республикасида банкротлик тўғрисида» Т. «Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари» 1997 й.
7. «Ўзбекистон Республикасининг қонунлари: «Ер тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида». Т.: «Адолат» 1998 йил.
8. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Т.: «Ўзбекистон» 1996 йил.
9. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида».Т.:1996 й.
- 10.Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида». Т.: 1998 й.
- 11.Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида». Т.: 1998 й.
12. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» Т.: «Ўзбекистон» 1992 йил
- 13.И.А.Каримов «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» Т. «Ўзбекистон» 1993 йил.
14. И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т. Ўзбекистон 1995 йил.
15. И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликқа таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т.: Ўзбекистон 1997 йил.
- 16.И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари.Т.: «Ўзбекистон» 1998 йил.
17. И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда» Т.: «Ўзбекистон» 1999 йил.
- 18.И.А.Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» Т. Ўзбекистон 2000 йил.
19. И.А.Каримов. «Мамлакатимиз тараққиёти ва Халқимизнинг ҳдёт даражасини юксалтириш - барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир». Т. «Ўзбекистон» 2007 й.
- 20.Ю.Қ.Йўлдошев,А.Жалилов. «Иқтисодиёт назарияси»2007 й.
21. А.Ўлмасов, А.Воҳобов . Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). -Т.: "Шарқ" 2006.
22. Ш.Ш Шодмонов, У .Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). -Т.: "Шарқ" 2006.
- 23.А.Ш.Бекмуродов , У.В. Ғафуров. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2007.
- 24.Т.Жўраев .: «Иқтисодиёт назарияси» I- I I-қисм.Т. 2005-йил

